O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB FONDI

Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 29-dekabr, chorshanba № 104 (7713)

Da'vat

"Mehr va muruvvat yili" dasturining ma'no-mazmuniga singdirilgan g'oya, ya'ni jamiyatimizda hech kim o'zini yolg'iz sezmasligi, hech kim e'tibordan chetda qolmasligi kerak, degan da'vat millionlab yurtdoshlarimiz qalbida aks sado bergani, ularni odamiylik va insonparvarlik ishlariga chorlagani barchamizni quvontiradi.

Islom KARIMOV

САЙЛОВДА 85,1 ФОИЗ САЙЛОВЧИ ҚАТНАШДИ

(2-бет)

ВАҚТ СИЗДАН РОЗИМИ?

Sarhisob

Яна икки кундан сўнг вақтнинг қадрига етгану етмаганлар бараварига бир ёшга улғайишади. Бундай паллаларда кимдир ортига назар ташлаб, бажарган ишлари ва улгурмаган юмушларини сарҳисоб айлайди. Бунда у уддалаганига қувонади, улгурмаганига куюнади. Оқибатда орзулари пишиқ ғиштдан кўтарилаётган бино янглиғ бўй кўрсатаверади.

Бугун ҳар ким ва ҳар қайси касб соҳиби ўзига муҳосиб. Хўш, азиз устоз, Сиз айни дамда нималарни ўйлаяпсиз? Кўнглингизда қандай кечинмалар тўлғонаяпти? Деҳқону муҳандис бутун меҳнат мавсумини сарҳисоб қилаётган асноларда, Сиз, ярим довонни босиб ўтган заҳматкаш, ўқув йилининг қоқ ўртасида не юмушларни бажаришга улгурдингиз? Мактаб таълимига эътибор ҳар қачонгидан-да ошган ушбу йилда Сизнинг ҳаракатингиз қандай бўлди ва бўлмоқда? Эртага, бошқа юмушдагилар учун ярим мавсум тугайдиган ёзда, Сизнинг меҳнатингиз самараси кўриниши керак бўлган маҳалда юзингиз ёруғ бўлиши учун бугун нималарни ҳозирладингиз? Савол кўп ва булар жавобсиз қоладиган сўровлар эмас. Булар аслида бизнинг саволлар ҳам эмас. 2004 йилда талаба бўлган ва бўла олмаган ўқувчиларингиз нигоҳидаги сўроқлар бу. Шу боис ўзингиз, шогирдингиз, жамият олдида юзингиз ёруғ бўлиши, ўқувчингиз кўзига тик боқа олишингиз учун Сизда ИМКОНИЯТ мавжуд. Бу эса, меҳнат ва ҳафсала талаб қилишини ўзингиз биласиз.

Йиллар дақиқалардан юзага келар экан, Сизу биз ҳеч бир онимизни бесамар ўтказмайлик. Илло, ўтаётган ҳар бир йилимиз салмоғи бажараётган амалларимизга қараб вазминлашиб бораверсин.

Шерали НИШОНОВ

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

MARKAZIY OFISERLAR UYIDA

Poytaxtimizdagi Markaziy ofitserlar uyida Toshkent harbiy okrugi yosh ofitserlarining navbatdagi yig'ini bo'ldi. O'zbekiston Mudofaa vazirligi tashabbusi bilan o'tkazilgan tadbirda harbiylar, jamoatchilik vakillari ishtirok etdi.

Tadbirda so'zga chiqqan Toshkent harbiy okrugi qo'mondoni, general-mayor B.Toshmatov, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisi, O'zbekiston Qahramoni A.Oripov va boshqalar mamlakatimizda Qurolli Kuchlarni, professional armiyani yanada takomillashtirishga alohida e'tibor qaratilayotganini ta'kidladi.

(Davomi 2-betda)

Ibrat

Bo'ka tumanidagi "Mehribonlik uyi"ning tubdan ta'mirlangan binosi bu yerda tarbiyalanayotgan 126 nafar bolajonlarga ajoyib bayram sovg'asi bo'ldi. Ta'mirlash ishlariga viloyat va tuman hokimliklari 240 million so'm mablag' ajratdi. Shuningdek, "O'zmetkombinat" 43 million so'mlik yangi mebellar, respublika Badiiy akademiyasi esa ko'plab san'at asarlarini bolalarga taqdim etdi.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

САЙЛОВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ
улар нималарда кўринади?
3-бет

РИВОЯТ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИЛГАН ДАРС
6-бет

МЕН БИР ЁШГА УЛҒАЙДИМ!
нега бу гапни болакайлар ҳаяжон билан, катталар маъюслик билан айтади?
7-бетлар

«СПОРТ ВА ДЎСТЛИК» — ЎҚИТУВЧИ ЯРАТГАН ФИЛЬМ
15-бет

Тоҳир МАЛИК
«ЖИНОЯТНИНГ УЗУН ЙЎЛИ»
ушбу асарни газетамизнинг 2005 йилги илк сонларидан бошлаб ўқиб борасиз

Biz saylovchilar bilan suhbatlashar ekanmiz, ularning saylovlar haqida ko'p ma'lumotga ega ekanliklarining guvohi bo'ldik.

Ma'rifat

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

ARCHALAR QAD KO'TARMOQDA

Andijon viloyati shahar va tumanlarida yangi yil uchun archalar o'rnatilmoqda. Eng baland archa esa viloyat markazidagi yaqinda ochilgan Konstitutsiya maydonida o'rnatildi.

Turli rangdagi elektr chiroqlari bilan bezatilgan birinchi archa Navoiy ko'chasida, viloyat kasaba uyushmasi kengashi binosi ro'parasida, yana biri esa shu binoning hovlisida qad rostladi. Aynan shu yerda viloyat kasaba uyushmasi kengashi 200 nogiron bola uchun bayram tomoshasini tashkil etdi. Bolalar Abbos Bakirov nomidagi viloyat yoshlar teatri tomonidan tayyorlangan yangi yil spektaklini tomosha qildi.

20 MILLION SO'MLIK SOVG'A

Orolni qutqarish xalqaro jamg'armasi Beruniy tumani xotin-qizlar qo'mitasi bilan hamkorlikda Beruniy tumanidagi Oxunboboev nomidagi mahallada yashovchi kam ta'minlangan oilalar farzandlariga 20 million so'mlik issiq kiyim-bosh sovg'a qildi.

САЙЛОВДА 85,1 ФОИЗ САЙЛОВЧИ ҚАТНАШДИ

Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2004 йилнинг 26 декабри тарихда муҳим сана сифатида қоладиган кун. Бу кун мамлакатимиз тарихида илк бор икки палатали парламентнинг Қонунчилик палатасига ва Сенатни шакллантириш учун асос бўлажак маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Пойтахтимизнинг ўзида 1 миллион 235 минг нафар сайловчи рўйхатга олинган. **Эрталаб соат 6.00.** Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежида жойлашган Тошкент шаҳар кенгашига бўладиган сайловни ўтказадиган 41-Кўтарма сайлов округидамиз. Бу ерда шу билан бирга парламентнинг Қонунчилик палатасига бўладиган 7-Дўмбиробод округининг 439-сайлов участкаси ҳам жойлашган. Саҳарда кириб келган онахон ўз номзодини белгилаб чиқди. Ўзини Маъмура Эргашева деб таништирган онахоннинг айтишича, шу вақтгача сайловлар бунақанги шароитда ўтганини кўрмаган экан. Шу зайлда сайловчилар сони кўпайиб борди.

8.00. Сайловчилар сони шунчалик ошиб кетдики, навбат билан кира бошлашди. Биз эса, сайловчиларни суҳбатга тортдик.

— Мамлакатимиз тақдири, ёшлар келажаги, қонунчилигимизнинг жаҳон андозалари даражасида бўлиши бугунги сайловларга ҳам боғлиқ эканини яхши англаймиз, — дейди шу коллеж ўқувчиси **Нилуфар Имомова.**

— Қонун ҳужжатларига мувофиқ, бугун соат 6.00 да Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов кампаниясининг овоз бериш жараёни бошланди. Сайловчилар рўйхатига киритилган 14 млн. 323 мингдан зиёд сайловчилардан соат 12.00 га қадар 6 млн. 660 минг сайловчи овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 46,5 фоизини ташкил қилади, – деб маълумот берди Б.Мустафоев.

Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, сайлов қонун доирасида бўлиб ўтмоқда. Шу пайтгача Марказий сайлов комиссиясига сайлов қонунчилиги бузилганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот, ариза, мурожаатлар келиб тушмади.

26 ДЕКАБРЬ, соат 17.00

Овоз беришнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар юзасидан навбатдаги матбуот конференцияси соат 17.00 да ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хўжаеванинг ахборотига кўра, бу вақтга келиб сайловчиларнинг 70 фоизидан зиёд қисми овоз бериб бўлди.

Мамлакат қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов кампаниясининг овоз бериш жараёни давом этмоқда. Сайловчилар рўйхатига киритилган 14 млн. 323 мингдан зиёд сайловчилардан соат 16.00 га қадар 10 миллион 383 минг сайловчи овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 71,8 фоизини ташкил қилади.

26 ДЕКАБРЬ, соат 22.30

Овоз беришнинг дастлабки натижалари ҳақида маълумот 22.30 да эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хўжаева шу вақтгача бўлган расмий маълумотни тарқатди.

—Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар якунига етди. Барча сайлов участкалари ёпилди. Айни пайтда овоз беришнинг дастлабки натижалари аниқланмоқда.

Соат 20.00 ҳолатига кўра, сайловчилар рўйхатига киритилган 14 млн. 323 мингдан зиёд сайловчилардан 12 млн. 197 минг сайловчи овоз беришда иштирок этди. Бу сайловчилар умумий сонининг 85,1 фоизини ташкил қилади.

Марказий сайлов комиссияси сайловлар, умуман олганда, бўлиб ўтганини билдирди. Негаки, сайловчиларнинг 80 фоиздан ортиғи сайловда иштирок этди. Айни пайтда бюллетенларни ҳисоб-китоб қилиш жараёни давом этмоқда. Соат 21.30 ҳолатига кўра сайлов бюллетенларининг 20 фоизга яқини ўрганиб чиқилди. Келтирилган далиллар дастлабки ва тахминийдир.

Сайловлар қонун талаблари доирасида бўлиб ўтди. Шу пайтгача Марказий сайлов комиссиясига сайлов қонунчилиги бузилганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот, ариза, мурожаатлар келиб тушмади. Айни пайловчиларнинг 12 миллион 197 минг 159 нафари, яъни 85,1 фоиз қисми овоз бергани сайловнинг бўлиб ўтганлигидан далолат эканини таъкидлади.

Сайловни ўтказишда Марказий сайлов комиссияси уч босқичдан иборат ҳаракатлар дастурига асосланиб иш олиб борди. Аввало, сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг июль-август ойлари давомида сайлов тўғрисидаги янги қонунлар қоидаларини аҳолига кенг тушунтириш мақсадида турли анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилди. Зарур адабиётлар нашр этилди ва жойларга тарқатилди.

Иккинчи босқич сайлов кампанияси бошланиши эълон қилинган кундан эътиборан сайлов жараёни расмий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни ўз ичига олди. Хусусан, сайлов округ ва участкалари ташкил этилди ҳамда жиҳозланди, округ ва участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди. Сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш доимий эътиборда бўлди.

Ҳозирги, учинчи босқич вазифалари даставвал овозларни санаб чиқиш, округлар ва бутун мамлакат бўйича сайлов якунларини чиқариш билан боғлиқ тадбирларни кўзда тутади. Марказий сайлов комиссияси раиси

Биз сайловчилар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг сайловлар ҳақида кўп маълумотга эга эканликларининг гувоҳи бўлдик.

26 ДЕКАБРЬ, соат 13.00

— Кўннинг биринчи ярмида ўзбекистонликларнинг 46 фоизи овоз бериб бўлди, — деб ахборот берди Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев Миллий матбуот марказида журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда.

тўғрисидаги маълумотлар юзасидан навбатдаги матбуот конференцияси соат 17.00 да ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева ўтган сайловларнинг дастлабки натижалари тўғрисида ахборот берди. Унинг айтишича, сайловларда 12 миллион 197 минг 159 нафар сайловчи қатнашган. Сайловлар қонун талаблари доирасида очиқ ва ошкора ўтиши таъминланди.

Марказий сайлов комиссиясига овоз бериш жараёнида қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ариза ва шикоятлар тушмади.

Сайловчилар томонидан берилаётган саволларга эса, жавоблар ўз вақтида ва батафсил бериб борилаётир.

27 ДЕКАБРЬ, соат 18.00

Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлди. Унда Марказий сайлов комиссиясида аккредитация қилинган мамлакатимиз ва хориж журналистлари, халқаро кузатувчилар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев сайловда сайловчиларнинг фуқаролардан келиб тушган турли масалалардаги мурожаатларга Марказий сайлов комиссияси атрофлича жавоб ва тушунтиришлар берди, - деб сўзини якунлади С.Хўжаева.

27 ДЕКАБРЬ, соат 9.00

Шу куни эрталаб Миллий матбуот марказида

САЙЛОВЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

улар нималарда кўринади?

Ўзбекистонда икки палатали парламент ислоҳоти 2002 йил 27 январь куни бўлиб ўтган умумхалқ референдуми асосида амалга оширилянти. Ўзбекистонликларнинг кўпчилиги икки палатали — Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат парламентни шакллантириш ғоясини қўллаб-қувватлаган эди.- Шу сабабли 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари халқ депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди.

Шу куни Республика бўйича сайлов участкалари эрталаб соат 6.00 дан кечқурун 20.00 гача очиқ бўлди. Шу ерда бўлиб ўтган сайлов иштирокчилари ҳақида маълумот бериб ўтсак. (1-жадвалга қаранг.)

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу галги сайловлар аввалгиларидан бир қатор ўзига хосликлари билан ажралиб турди. Хусусан:

• Сиёсий партиялар кўрсатган номзодлари орасида камида 30 фоизини аёллар ташкил этишига оид қонун талаби;

• Агар илгарилари сайловлар ҳақиқий деб ҳисобланиши учун сайловчиларнинг энг камида 50 фоизи овоз бериши керак бўлган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 33 фоизни ташкил этмоқда;

• Аввалги қонунчиликка кўра судланган кишилар депутатликка номзод бўла олмасдилар. Энди эса, бу чеклаш фақатгина судланганлиги олиб ташланмаган шахсларга тегишли;

• Сайловолди тарғиботни молиялаштириш "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонун асосида тартибга солинди. Хусусан, ҳар бир номзодга сайловолди ташвиқот учун 717500 сўмдан маблағ ажратилди. (Жами сиёсий партияларга 430 млн. сўм ажратилган);

• Мустақил нодавлат оммавий ахборот воситалари номзодларга тарғибот борасида илк бор пуллик хизмат кўрсатишди;

• Сайлов бюллетенлари янги шаклда ишлаб чиқилди. Хусусан, давлат тили билан бирга рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ ва бошқа тилларда ҳам;

• Дунёнинг етакчи экспертлари иштирокида қатор халқаро анжуманлар ташкил этилди. Уларда сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда халқаро мезонлар, сайлов кампаниясида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва оммавий ахборот воситалари иштироки каби қатор мавзулар муҳокама этилди;

• Мустақил номзодлар манфаатларини ҳимоя қилувчи, уларга сайловолди тарғиботни ташкил этишда кўмаклашувчи Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилди. Ушбу ноёб институт Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган бўлиб, мамлакат сиёсий ҳаётини демократиялаштиришдаги муҳим элементлардан бири ҳисобланмоқда.

Халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг сайловларда иштирок этиши ҳам жараённинг очиқ ва транспарентлигининг муҳим омилларидан бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ахборотига кўра, бу йилги парламент сайловларида дунёнинг 35 давлатидан 227 нафар хорижий мутахассис халқаро кузатувчи сифатида иштирок этмоқда. Жумладан, МДҲ Ижроия қўмитаси 70 нафардан зиёд кузатувчини йўллаган. Улар орасида Россия Давлат Думаси, Марказий сайлов комиссияси мутахассислари ҳам бор. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 22 нафар вакили Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фаол иш олиб бормоқда. Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европарламент ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳам ўз кузатувчиларини йўллаган.

Шу билан бирга сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар ва ОАВлардан ҳам 60 мингга яқин маҳаллий кузатувчилар овоз бериш жараёнини ва унда қонунга қанчалик амал қилинаётганини кузатди.

Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида эса, 600 дан зиёд журналистлар аккредитация қилинган. Шулардан 100 га яқини хорижий ОАВ вакиллари. 2004 йил сайловларда халқаро кузатувчилар иштироки эса, қуйидагича: (2-жадвалга қаранг.)

1-жадвал

Сайлов иштирокчиси	Ташкил топган санаси	Аъзолар сони	Рўйхатга олинган номзодлар	Овозга қўйилган номзодлар
Халқ демократик партияси	1.11.1991	580 мингдан зиёд	118	106
"Адолат" социал-демократик партияси	10.02.1995	50 мингдан зиёд	72	69
"Миллий тикланиш" демократик партияси	3.06.95	50 мингдан зиёд	61	59
"Фидокорлар" Миллий Демократик партияси	14.04.2000	61750	89	85
Либерал-Демократик партия	15.11.2003	141818	119	113
Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари			58	57
Жами			517	489

2-жадвал

№	Минтақалар	Кузатувчилар сони	Улардан журналистлар
1	Европа давлатлари	32	5
2	Осиё ва Африка давлатлари	35	8
3	Осиё-Тинч океани минтақаси	48	2
	Америка давлатлари	9	3
4	МДҲ давлатлари	78	6
5	ЕХҲТ миссияси	22	
6	ШҲТ Ижроия қўмитаси	2	
7	Европарламент	1	
	Жами	227	24

ХАЛҚИНГИЗНИ ЧИНАКАМИГА ЎРГАНДИМ

Ўзбекистонда йирик сиёсий тадбир амалга оширилганининг гувоҳи бўлиб, бевосита кузатувчилик вазифасини бажарганимдан жуда мамнунман. Чунки ўзбек халқи ҳақида китобларда ўқигандим, холос. Энди эса, сизнинг халқингизни чинакамига ўргандим, — дея сўзини бошлади Миср Араб Республикаси савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Ҳамди Ҳамди Абдулайнейн.

— Жаноб Ҳамди Ҳамди Абдулайнейн, кузатувчи сифатида айтинг-чи, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқаро меъёрларга қай даражда жавоб берди?

— Биз сайлов кунигача ҳам сайлов участкаларида бўлиб, тайёргарлик жараёнлари билан танишдик. Шароит барча халқаро талабларга жавоб беради. Энг муҳими, сайловнинг очиқ, ошкора ва ҳалол ўтишига жиддий эътибор берилаётганига гувоҳ бўлдик. 26 декабрь куни Тошкент вилояти Бекобод туманида жойлашган бир қанча сайлов участкаларида бўлдик. У ерда сайловчиларнинг жуда фаол қатнашгани мени ҳайратда қолдирди. Мен кузатувчи сифатида демократиянинг яловбардорлари ҳисобланадиган сиз ва биз билган ўша Европа давлатларида ҳам бўлганман. Лекин, ўша ерда ҳам бундай фаолликни кўрмагандим. Яна шу нарсани кашф қилдимки, ўзбек халқининг сиёсий онги ҳам жуда юқори экан.

— Азим Тошкент шаҳрига аввал ҳам келганмисиз?

— Умуман, Ўзбекистонга биринчи келишим. Ўзбек халқининг меҳмондўст, очиққўнгил, хушмуомалалиги менга жуда манзур бўлди. Халқингиз мустақилликка эришганидан кейин барча соҳаларда улкан ўзгаришларни амалга оширибди. Айниқса, миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш борасидаги ишлар диққатга сазовор. Ўзбекистоннинг тупроғи — муқаддас. Бу юртда умрини иймон-эътиқод, ҳалоллигу поклик, илму фан, маърифат йўлида фидо этган улуғ зотлар яшаб ўтган. Ҳазрат Имом ал-Бухорий нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг ифтихоридир. Мисрда ҳам бу табаррук зот номи катта эҳтиром билан тилга олинади. Кишилик тараққиётида сўнмас из қолдирган, номлари тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрланган бундай улуғ аждодлар вориси бўлган миллат улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Яқинда Миср телевидениеси орқали Ўзбекистондаги парламент ислоҳоти, умуман, сизнинг давлат ва жамият қурилиши жабҳасидаги ибратли тажрибангиз таҳлилига бағишлаб алоҳида анжуман ташкил этдик. Зеро, Ўзбекистон ростдан ҳам бу борада эътироф этса ва ўрганса арзигулик муваффақиятларга эришмоқда.

Биз мамлакатингизнинг демократия, тараққиёт, ҳамжиҳатлик йўлидаги барча саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз. Бу бежиз эмас. Шаклланажак янги парламент шундай эзгу мақсадлар ижобатига қаратилган қонунлар яратиш билан қатъий шуғулланишига ишонаман.

"Ma'rifat"нинг махсус мухбири Шерзод АҲМАТОВ суҳбатлашди.

САЙЛОВЧИЛАР ФАОЛЛИГИ СЕЗИЛИБ ТУРДИ

Поп туманидаги 76-Қумлиқ сайлов участкаси Санг маиший хизмат касб-ҳунар коллежи биносида жойлашган. Бу ерда сайловчиларнинг овоз беришлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Участка вакилларидан ташқари тиббиёт ходимлари, икки ёшгача фарзанди бўлган оналар учун махсус жойларни ҳозирлаб, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ҳам шай туришди. Участкадаги сайловчилар сони 2952 нафардан иборат эди.

26 декабрь эрталаб соат 6:17. Овоз бериш залига 35—40 ёшлар чамасидаги киши ва ёшгина қиз кетма-кет кириб келишди. Участка вакилларидан сайлов бюллетенларини олиб, ўн дақиқа ичида ўз номзодларини ёқлаб, овоз бериб чиқишди. Биз уларнинг ҳар иккаласини ҳам суҳбатга тортдик.

— Биринчи марта сайловларда қатнашяпман, — дейди 1985 йилда туғилган Нафиса Турсунова. — Шунинг учун бўлса керак, озгина ҳаяжонландим. Вилоят, туман кенгашига қўйилган номзодларни авалдан яхши билардим. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни эса, улар билан бўлиб ўтган учрашувда танидим ва улар орасидан ўз номзодимни танладим.

— Касбим темирчилик, — дея ўз фикрини билдиради иккинчи сайловчи Юсуфжон Мирзаниёзов, — телевидение ва радиодан бу галги сайловлар ҳақида ҳар куни эшитиб турдим. Бу сафарги сайловнинг аввалгиларидан фарқли ўтиши мени қизиқтирди. Шунинг учун овоз беришга эрталабдан етиб келдим.

Шундан кейин овоз бериш зали тобора гавжумлашиб борди. Сайловнинг бориши, сайловчиларнинг иштироки ҳақида участка сайлов комиссияси раиси Зулфихон Юнусовадан сўраганимизда, соат миллари 11-00 га яқинлашганди.

— Кузатган бўлсангиз, сайловчиларимизнинг фаоллиги анча юқори, шу соатгача уларнинг 2360 нафари ёки 79,4 фоизи овоз бериб бўлди.

Икки нафар сайловчи, Пиллакаш маҳалласида яшовчи Ражаббой ота Худойберганов ҳамда Ойша буви Султоновалар овоз беришга келолмаслиги боис, уларникига овоз бериш қутичаларининг олиб борилиши белгиланган экан. Биз участка вакиллари билан бирга Ражаббой Худойбергановникига бордик.

— Уйимиз билан сайлов участкасининг ораси 150—200 метр чиқади, холос. Лекин кўзимнинг нури хиралашиб қолган. Йўлда юришга қийналаман, — сайловга боролмагани сабабини тушунтирадилар отахон.

Овоз бериш жараёни мазкур участка ҳудудига кирувчи қишлоқ участка шифохонасида ҳам ташкиллаштирилди.

Хуршид СУЛТОНОВ, "Ma'rifat" мухбири

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Янги йил арафасида Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасида иқтидорли ўқувчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу тадбир вилоят мактабларида иқтидорли ўқувчиларнинг кўп эканлигини яна бир бор намоён қилди. Маросимга халқаро, мамлакат ва вилоят миқёсида ўтказилган турли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этган ўқувчилар таклиф этилдилар.

Халқ таълими бошқармаси томонидан тақдирланганлар орасида республикамиз миқёсида ўтказилган "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" мавзусидаги кўрик-танловда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган — Олтиариқ туманидаги 26-мактаб ўқувчиси Дилноза Шарипова, Тошлоқ туманидаги 39-мактаб ўқувчилари Нозима Парпиева ва Дилшода Орипова ҳам бор эди. Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги 9 ва 18-мактаб жамоалари ҳам ушбу танловда иштирок этганликлари учун тақдирландилар.

Қатор ўқувчилар эса "Йод танқислигидан келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш" мавзусида ўтказилган кўрик-танловда муваффақият қозондилар.

Фарғона туманилик битирувчи ўқувчи (14-мактаб) Умид Султонов "Энг ибратли йигит" деб номланган вилоят кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаган бўлса, Қува туманидаги 1-ИБМ 7-синф ўқувчиси Гули Бадалова "Жаҳон банки нима учун керак?" мавзусида ўтказилган халқаро иншолар танловида ғолиб чиқди.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган "Мен меҳр-мурувватни қандай тушунаман?" мавзусидаги республика сиртқи иншолар танловида Фарғона шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси Дурдона Муродова фахрли 3-ўрин соҳибаси бўлди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва "Тасвирий ойина" ташкилоти ҳомийлигида ўтказилган бу тадбирда таклиф этилган ўқувчилар ва мактаб жамоаларига Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Т.ТОШМАТОВА

Fan olimpiadalari

НАВБАТ — ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА

Халқ таълими вазирлиги буйруғи асосида ўтказилаётган фанлар олимпиадасининг иккинчи — туман ва шаҳар босқичлари Фарғона вилоятида ҳам ниҳоясига етди. Ушбу беллашувларда биринчи босқичда 1-ўринни эгаллаган 9, 10, 11-синф ўқувчилари иштирок этдилар. Дунё харитасига, мамлакатлар ҳаёти, урф-одатлари, табиатига қизиқиш ўқувчилар ўртасида кундан-кунга ошиб бормоқда. Буни Фарғона туманида география бўйича ўтказилган олимпиада ҳам тасдиқлади. Ўз билимларини етарли даражада намойиш этган 55-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шоҳсанамхон Маҳмудова, 11-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Сардорбек Парпиев, 10-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Зоҳиджон Нурматов шу фан бўйича ўз тенгдошлари ичида бошқалардан устун эканликларини исботладилар.

Техника, транспорт, саноат ва қурилиш каби соҳаларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан чизмачилик фани билан ҳам боғлиқдир. Буни яхши тушунган бугунги кун ўқувчилари шу фан бўйича олаётган билимларини тобора мустаҳкамлаб бораётганликларини олимпиаданинг навбатдаги босқичи яққол кўрсатди. Чизмачилик билимдонлари деб эса туманда қуйидаги ўқувчилар эътироф этилди: 24-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Отабек Мамажонов, 2-лицейнинг 10-синф ўқувчиси Жаҳонгир Сиддиқов, 56-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Зафаржон Абдураззоқов.

— Бу йилги фан олимпиадасининг иккинчи босқичида ўқувчилар ҳар йилгидан кўра жонлироқ, фаолроқ иштирок этишди, — дейди туман халқ таълими бўлими услубчиси Маҳлиёхон Раҳимова. — Айниқса, ҳакамларнинг ҳам, услубчиларнинг ҳам, ўқитувчи-ўқувчиларнинг ҳам олимпиадани ўтказиш тўғрисидаги низом ҳамда тартиб-интизомга қатъий амал қилганликлари фанлар олимпиадаси мусобақаларининг адолатли ўтишида бош омил бўлди.

* * *

Марғилон шаҳрида ўтказилган фан олимпиадаларининг математика йўналишида ғолибликни аниқ фанлар лицейи ўқувчилари бошқаларга бермадилар. Дилшодбек Муродов (9-синф), Абдусаттор Йўлдошев (10-синф) ва Қобилжон Қодиров (11-синф) ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасини банд этдилар. Шунингдек, кимё, физика, чизмачилик, она тили ва адабиёт фанлари бўйича ўтказилган олимпиада беллашувларида ҳам шу лицей ўқувчилари муваффақиятли қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритишди.

Шаҳардаги "Истиқбол" гимназияси ўқувчилари ҳам олимпиадага жуда пухта тайёргарлик кўрганликлари билимдонлар танловида яққол намоён бўлди. Тарих, ҳуқуқшунослик, география, иқтисод фанларидан ўтказилган олимпиадада ғолиблик фақат шу гимназия ўқувчиларига насиб этди.

Шу билан бирга араб тили бўйича ўтказилган билимлар беллашувида 10-синф ўқувчиси Сардорбек Одилов ва 11-синф ўқувчиси Ихтиёржон Абдураҳмонов гимназияга хос маҳоратларини намойиш этиб, 1-ўринни олишга муяссар бўлдилар.

— Фан олимпиадаларининг шаҳар босқичи ўқувчиларимиз учун ҳал қилувчи босқичларга ҳамиша старт вазифасини бажаради, — дейди "Истиқбол" гимназияси директори Музаффархон Саидумаров. — Шу туфайли ҳам кўплаб ўқувчиларимиз ҳар йили нафақат вилоят босқичида, балки фан олимпиадаларининг республика босқичида ҳам ғолиб бўлишиб, олий ўқув юртларига имтиёзли равишда кириш ҳуқуқига эга бўлишмоқда.

Умуман айтганда, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида фан олимпиадаларининг иккинчи босқичи юқори савияда, махсус низом талабларига риоя қилинган ҳолда ўтказилди ва ғолиблар аниқланди. Энди ғолибларни навбатдаги учинчи — вилоят босқичи кутиб турибди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

БУ ЙИЛГИ БАЙРАМ БОШҚАЧА БЎЛАДИ

Одатда йил охири ва йил бошини шодиёнага айлантирамиз. Ҳар йили 31 декабрь оқшомини интиқлик билан кутамиз: қани бу сафар телевидение бизга қандай томошаларни тақдим этар экан?

Ўзбекистон телерадиокомпанияси ижодкорлари ўзларига билдирилган ишонч масъулиятини ҳис қилган ҳолда бу йилги янги йил оқшоми файзли ўтишига пухта тайёргарлик кўрилганини намойиш этишди. Байрам байрамдек ўтиши учун, ойнаи жаҳонда халқимиз хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда қизиқарли дастурларни намойиш этиш учун бу йил янгича йўл тутилди. Яъни, шоир, ёзувчи, бастакор, хонанда, журналистлардан иборат бир гуруҳ таниқли ижодкорлар янги йил оқшомида намойиш этилиши кўзда тутилган байрам дастурларини кўрикдан ўтказишди.

Жамоатчилик вакилларига намойиш этилган "Ўзбекистон" каналининг "Марҳабо, Янги йил!", "Ёшлар" каналининг "Ёшлар оқшоми", ТТВнинг "Янги йил оқшомлари", "Спорт" каналининг "Полвонлар давраси да" байрам дастурлари қизғин муҳокама қилинди. Жорий этилган янгиликлар, олдинги йиллардаги дастурлардан фарқли жиҳатлари, қамров кенглиги, эсда қоладиган лавҳалар кўплиги, куй-қўшиқларнинг пухта саралаб олинганлиги эътироф этилди. Дастурларда мамлакатимиз ўтган бир йил давомида эришган ютуқлар, Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилган эзгу ишлар, Сиҳат-саломатлик йили режалари акс этганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари жамоатчилик кўриги иштирокчилари билдирган фикрлар байрам дастурларини янада такомиллаштиришда инобатга олинишини билдиришди. Юртдошларимиз янги йилни кўтаринки кайфиятда кутиб олишлари учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилишларини, дастурлар яна бир бор қайта кўриб чиқилишини таъкидлашди.

МУХБИРИМИЗ

ЎҚИТУВЧИЛАР МЕҲНАТИ «КЎЗГУ»СИ

Seminar

Яқинда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 12-ўрта умумтаълим мактабида "Чет тили фани ўқитувчиларининг дарс жараёнидаги методик изланишлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда туман халқ таълими бўлими методика кабинети ходимлари ҳамда тумандаги чет тили ўқитувчилари қатнашдилар.

Семинар режасига кўра, дастлаб 12-мактабнинг немис ва инглиз тили ўқитувчилари Мукаррам Сагатова, Мухтабар Саломова, Машкура Тўйчибоева, Тўйди Мансурова ўқувчиларга дарс ўтиб, ўз педагогик маҳоратлари, изланиш ва янгиланишларини намойиш этишди. Ҳар бир муаллим дарсида замонавий педагогик технология элементларига, ўқувчилар фаоллигига, ўзлаштиришнинг самарали усулларига кенг ўрин ажратди. Сўнг икки гуруҳга бўлинган 5-синф ўқувчилари кетма-кет немис тилида "Алифбе байрами"ни тақдим этдилар. Ўқувчилар алфавитга мос шеърлар, топишмоқлар, мақоллар айтишди. Ҳафта кунлари, ой ва фаслларни ўрганишга ёрдам берувчи қўшиқлар ижро этишди. Айниқса, Мухтабар Саломова раҳбарлигидаги тадбирда ўқувчилар "Шолғом" эртагини немис тилида ҳавола этишгани қизиқарли бўлди. Эртак қаҳрамонига хос либос ва гримлар, равон талаффуз барчани хушнуд этди. Кўзни қувонтирувчи рақслар ҳам кўтаринки кайфиятни таъминлади.

Бундан ташқари, улар ҳар учала чет тили хоналарининг жиҳозланишига алоҳида аҳамият беришди. Дарҳақиқат, шу ўринда устозлар ва ота-оналарнинг, қолаверса, ўқувчиларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли синф рисоладагидек безатилганини айтиб ўтиш жоиз.

Тадбир сўнгида иштирокчилар чет тили ўқитувчиларининг изланишларини юқори баҳолашди.

Нилуфар НОРМАТОВА

Maktabga yordam — millatga yordam

ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Ургут туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби 1930 йилда 16 яшар Абдураҳим Юсуповнинг саъй-ҳаракати билан қишлоқ оқсоқоли Умар Бўриевнинг меҳмонхонасида фаолият кўрсата бошлаган. Мактабга мен раҳбарлик қилган 1974-1995 йилларда 15 та қўшимча синф хонаси, 4 та касбга ўргатувчи устахона, 200 ўқувчи ўрнига эга бўлган ошхона, спорт зал ва спорт комплекси қуриб ишга туширилди. Ҳозир мактабда спорт залдан ташқари 40 та хона бўлиб, уларнинг 29 таси замонавий дарс машғулотлари олиб боришга мўлжаллаб жиҳозланган, мавжуд 21 та синфда ўқувчилар ўқитилмоқда. Барча шарт-шароит етарли бўлгани учун ҳам "Ваткан" маҳалласининг 485 боласи 46 нафар ўқитувчи-мураббийлари етакчилигида фан асосларини ўзлаштириб бормоқдалар.

Бизнинг дастлабки устозларимиз — Абдураҳим Юсупов (ҳозир 90 ёшда), Хўжамурод Назаров (ҳозир 94 ёшда), марҳум муаллимлар Мирза Тошпўлатов, Ҳақберди Султонов сидқидилдан ўқитар, виждонан билим берар, талабчанлик ва принципиалликка ўргатар эдилар. Натижада кейинги авлод ўқитувчиларимиз нафақат туманда, балки вилоятда машҳур бўлиб етишдилар.

Ҳозирда шогирдларимнинг энг қобилиятлиси, ишбилармони Неъматилла Хўжанов мактабга директорлик қилмоқда. У ҳам устозлари ўгитига қулоқ тутиб таълим маскани ишини кенг жамоатчилик, маҳаллий раҳбарлар билан бамаслаҳат ташкил этиб бормоқда. Мактабимизнинг қурилишига Ҳамза номидаги ширкат хўжалигининг раиси (16-мактабнинг собиқ ўқувчиси) Эргаш Отамуродовнинг катта хизмати бор.

Ширкат хўжалиги раҳбарининг бевосита ташаббуси билан футбол, волейбол, кураш, каратэ тўгаракларининг мураббийларига хўжалик ҳисобидан маош тўланмоқда. Аълочи ўқувчиларга, синф раҳбарларига, энг яхши фан ўқитувчиларига, болалари яхши ўқийдиган оилаларга йил якунига кўра мукофотлар бериладиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси нафақат Хўжалик мактабга, мактаб хўжаликка кўрсатаётган беғараз, беминнат ёрдамни кўриб, кўзинг қувнайди, ҳавасинг келади, киши.

Таълимнинг асоси — бошланғич синфларни ўқитиш жуда катта бардош ва қунт талаб қилади. Устоз Сайфи Мейлибоев изидан бораётган бошланғич синф ўқитувчилари Саодат Эсонова, Қурбоной Сафарова, Марҳамат Рустамова, Дилбар Сафарова, Раънохон Маллаева, Қурбоной Хурсандова шу илм даргоҳининг амалиётчи-психологи ва рейтинг амалиётчиси Хуррам Султоновнинг илмий ишларини тажрибада қўллаб, катта ютуқларга эришдилар. Натижада мактаб нафақат Ургут туманида, балки Самарқанд вилоятида биринчи ўринга кўтарилди. Ушбу ўқув йили бошланиши арафасида мактабимизга Халқ таълими вазирининг келиши, ўқитувчилар билан дўстона суҳбатлашиши, мактаб жамоасининг иш фаолиятига юқори баҳо бериши, вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришгани билан табриклаб рағбатлантириши — мактабни 10 дона компьютер ва телевизор билан мукофотлагани барчамизнинг кўнглимизни кўтариб юборди.

Аҳил жамоанинг сидқидилдан сифатли дарс бериши, мактабда касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис ишларининг тўғри йўлга қўйилганлигининг натижаси шу бўлдики, 2002-2003 ўқув йилида 40 нафар битирувчининг 10 нафари олий ўқув юртларига кирган бўлса, бу йил 50 нафар битирувчининг 22 нафари ўқишга кирди, 28 нафари ширкат хўжалигига ишга қабул қилинди.

Зайниддин БЕГМАТОВ

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Баҳромжон ухлаш олдидан эртага компьютер марказига бориб, тарих фани ўқитувчисининг топшириғи бўйича интернет орқали Фарғона шаҳридаги компьютер маркази билан боғланишни кўнглига тугиб қўйди.

Мактабда машғулотлар тугагач, Баҳромжон қўшни — 46-мактабда жойлашган ахборот-ресурс марказига борди. Кутубхоначидан рухсатни олиб, ўзи доимо фойдаланувчи компьютери қаршисига ўтирди. Компьютерни ёқиб, Web Site номини териб, кириш тугмачасини босди. Мана экранда **www.tes.uz** *саҳифаси. У олиши зарур бўлган маълумотлар бирин-кетин компьютер экранида пайдо бўла бошлади...*

Бугун Охунбобоев тумани марказида жойлашган 46-умумтаълим мактаби кутубхонаси базасида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказига қатнаётган ҳар бир ўқувчининг кундалик ҳаёти ана шу тарзда кечмоқда. Маълумки, мактаб кутубхоналари ўқувчилар ва ўқитувчиларни янги ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш учун хизмат қилади. Шунингдек, уларга бебаҳо миллий ва жаҳон маънавий бойликлари билан танишишлари учун шароит яратиб бериш лозим. Лекин, афсуски, жойлардаги мавжуд мактаб кутубхоналари бугун бу талабга тўлиқ жавоб беради, деб айтолмаймиз. Сир эмаски, кутубхоналар жамғармалари ночор, турли замонавий техник воситалар билан таъминланмаган. Ана шундай ҳолатга барҳам бериш мақсадида республика Халқ таълими вазирлиги Осиё Тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган «Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида кутубхоналар иши фаолиятини такомиллаштириш компонентини ишлаб чиқди. Натижада 2004 йил 9 мартда қабул қилинган 36-сонли буйруқ билан уни республикадаги 8 та мактабда синовдан ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Шу мақсадда Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманидаги 46-мактаб кутубхона базасида ҳам Ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Марказ биноси тез орада мактаб ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатлари билан сифатли таъмирдан чиқарилди. Туман ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда туман халқ таълими бўлими томонидан китоб жавонлари, стол, стуллар, юмшоқ буюмлар, аудиокассеталар, видеокассеталар, газета ва журналлар турадиган жавонлар ва бошқа зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Осиё Тараққиёт банки томонидан марказга энг замонавий техник асбоблар ҳамда 6 та компьютердан иборат жамлама тортиқ қилинди.

Бугунги кунда тумандаги 50 та мактабнинг барчасида кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Лекин мавжуд мактаб кутубхоналари ўқитувчилар ва ўқувчилар учун тезкор ахборот олиш имконини бермайди. Туманда таълим олаётган 37152 нафар ўқувчининг кутубхонага, ахборот олишга бўлган эҳтиёжларини назарда тутсак, энг янги ахборотларни ўзида жамлаган замонавий типдаги кутубхонага бўлган эҳтиёж яққол сезилади.

Qaror va ijro

Ахборот марказига малакали мутахассис Акмалжон Абдуллаев раҳбарлик қилмоқда. Ахборот-ресурс маркази 46-мактабнинг кутубхона базасида жойлашган бўлиб, 3 хонадан иборат. Бир хонада ўқувчиларни қабул қилиш ҳамда марказ ишлари билан таништириш ишлари амалга оширилади. Иккинчи хона катта зал бўлиб, бу ерда барча компьютерлар, телевизор ҳамда бошқа зарур техник воситалар жойлаштирилган. Марказ фаолиятига доир ишларнинг барчаси, асосан, шу хонада амалга оширилади. Бу ерда ўқувчилар ва ўқитувчилар учун ишлаш, ахборот олиш, таҳлил қилиш фаолиятларини амалга оширишга етарли шароит яратилган. Шунингдек, юқори синф ўқувчиларига халақит бермаслик мақсадида бошланғич синф ўқувчилари учун махсус жой ажратилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланган. Мазкур хонадаги принтр, кўпайтириш ускунаси, видеомагнитафон ва проектор ўқувчи ва ўқитувчиларга хизмат қилмоқда. Учинчи хона эса кутубхона ҳисобланиб, китоблар ва бошқа ахборот ташувчи манбалар жамланган. Бу хонада 3 мингдан зиёд китоб фонди мавжуд.

Марказда бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик. Шу кунларда марказнинг фаолияти бешта —компьютер хизмати, нусха кўчириш, саводхонлик ўйинлари, видео, ҳордиқ чиқариш йўналишларида амалга оширилмоқда. Йўналишлар ичида ўқувчилар компьютер саводхонлигини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Кунлик машғулотлар аниқ жадвал асосида ташкил этилган бўлиб, ҳафтанинг ҳар бир куни аниқ соатларга тақсимлаб қўйилган. Машғулотлар эрталаб соат 9.00 дан соат 15.00 га қадар давом этмоқда. Машғулотларга мунтазам қатнаётган ўқувчиларнинг ишлаш жараёнини кузатиб, улар компьютер «тили»ни пухта ўзлаштириб олганликлари, ҳатто компьютер воситасида интернет тармоғи саҳифалари орқали ишлаш малакаларига эга бўлганликларининг гувоҳи бўлдик.

— Марказ фаолиятидан кўзлаган асосий мақсадимиз, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири З.Тешабоев, — ўқувчиларга, ўқитувчиларга ахборотларни олишда, компьютер технологиялари билан ишлашда янада қулайликлар яратишдир. Энг асосийси, ўқувчиларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш. Марказ фаолияти орқали кутубхоналаримиз ишини ислоҳ қилиш, республика ва вилоятдаги таълим марказлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни яхшилашни ҳам кўзда тутганмиз. Бундан ташқари, марказнинг фаолияти шунда кўринадики, китоблар, дарсликлар, даврий матбуот жамламаларини ташкил этиш ва сақлаш, видеотека, сайтлар, диафильмларни якка тартибда ўрганиш, вилоятдаги бошқа кутубхоналар фондидан бевосита фойдаланиш имкониятлари яратилмоқда.

Марказ раҳбари А.Абдуллаевнинг таъкидлашича, ўтган қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилган. Бугун марказга тумандаги мактаблардан қизиқувчан ўқувчилар кўплаб ташриф буюрмоқдалар ва улар, аввало, замонавий компьютерларда ишлаш кўникма ва малакаларини эгалламоқдалар. Шу ўринда яна бир гап: туманда кутубхоналар ишини яхшилаш, китоблар билан таъминлашни янада яхши йўлга қўйиш мақсадида «Мактаб—кутубхона—оила—жамоатчилик» хайрия тадбири ўтказилди. Тадбир иштирокчиси бўлган 35 та мактаб жамоалари 840 минг сўмдан зиёдроқ маблағ йиғдилар. Тадбир доирасида иштирок этган юқори синф ўқувчилари томонидан эса 800 донадан ортиқ бадиий асарлар кутубхоналарга совға қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир неча йилдан буён халқ таълими бўлимида мутахассис бўлиб ишлаб келаётган Раҳимахон Абдураззоқова шахсий жамғармасидан 137 минг сўмлик бадиий асарларни, шунингдек, шахсий кутубхонасидан эса 317 дона бадиий китобларни Ахборот-ресурс марказига туҳфа қилди. Шундай қилиб, кечагина хонадонларда ўқилмай турган бадиий асарлар бугун болалар мулкига айланди.

Бундай ташаббуслар ва хайрли ишлар охир-оқибатда болаларимиз — ўз келажагимиз учун хизмат қилаётган кўнгилларга қувонч бағишлайди. Тажриба-синов ишлари эса 2005 йилнинг июнь ойига қадар давом эттирилади.

Ҳеч шубҳа йўққи, мазкур лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар умумтаълим мактабларида замонавий кутубхона моделини яратиш, ўқувчилар ва ўқитувчилар учун ахборотлар олишда янги қулайликлар туғдиришга хизмат қилади.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

Чироқчи туманидаги 10-ихтисослашган лицей интернат мактаби «Ҳуқуқшунослик, инсон ва жамият» фанлари ўқитувчиси Гулнора Жумаева 20 йилдан бери шу фанлардан ўқувчиларга дарс бериб келмоқда. 2000-2004 йиллар давомида вилоят бўйича мактаб ўқувчилари шу устозлари раҳбарлигида «Сиз Қонунни биласизми» кўрик-танловида юқори ўринларни эгаллашмоқда.

— Бу ерни битириб кетган ўқувчиларим, Республикамиздаги турли олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқда, баъзилари битириб келиб, врач, ўқитувчи бўлиб ишлашмоқда, мен улар билан фахрланаман, — дейди Г.Жумаева.

Бурҳон РИЗО
олган сурат

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ...

Мактаб ва таълим тизимига ҳомийлар кўмагининг ошаётганлиги, аксарият ота-оналарнинг фарзанди ўқиши учун ҳар қандай моддий ва маънавий кўмакка ҳозирлиги қувонарли ҳол, албатта. Лекин, ҳар бир амалнинг тошу тарозуси, гўзал ва замонавий ижроси, маданияти бўлмоғи зарур. Бу айниқса, илму урфон гўшаларида ўз аксини топмоғи шарт.

Яқинда газетада эълон қилинган Халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари васийлик кенгаши тўғрисида Низом ҳамда таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик васийлик жамғармасининг Устав лойиҳалари ана шу борада мукаммал бир тизим яратилишига қаратилган, назаримда. Соҳа ходимлари билан суҳбатларимизда эса, бу муносабат янада ойдинлашгандек бўлди.

Навоий вилояти Кармана туманидаги 2-мактабда 1600 нафардан ортиқ ўғил-қизлар таҳсил олишади. Мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, айни пайтда 2-"Б" синф раҳбари Лайлохон Рустамова бу лойиҳаларнинг ниҳоятда долзарб муаммоларнинг ечимини топишда кўмак беришини сўзлар экан шундай дейди:

— Албатта, ҳозиргача ҳам ота-оналар, ҳомийлар кўмагига таяниб иш кўраяпмиз. Ўтган йили ота-оналар қўмитасининг ёрдами билан синфимизга парда, гуллар ва бошқа жиҳозлар олинди. Мактабни таъмирлаш жараёнида ҳам умумий йиғилишда маълум сумма келишилгач, ота-оналарнинг ўзлари керакли материалларни харид қилишиб, таъмирлаш ишларининг ҳам бошида туришди. Биз синф раҳбарлари ҳамма харажатларни махсус дафтарга ёзиб, маъмуриятга топширамиз. Лекин, масаланинг шундай нозик жиҳатлари ҳам борки, мазкур буйруқ ана шу ўринларда ниҳоятда зарур деб ўйлайман. Йиғилишга қанча ҳаракат қилмайлик, барча ота-оналарнинг иштирокини таъминлай олмаймиз. Натижада "хабар"ни истаймизми, йўқми бола орқали уларга етказишга тўғри келади. Шундай пайтларда "Фалончи муаллим фалон сўм сўратибди" деган ўқитувчи ва мактабнинг шаънига номуносиб гап чиқади. Ҳозир ўқувчиларимиздан янги йил байрамини ўтказиш учун ҳам 100 сўмдан йиғдик. Катта арча ўрнатиб, турли ўйинчоқлар билан безатмасак, байрам руҳини яратиш қийин... Агар ҳар бир муассасада васийлик кенгашлари иш олиб борса, бу каби майда-чуйда йиғмаларга зарурат туғилмаслиги мумкин.

Vasiylik kengashi

Тумандаги М.Сапиев номидаги мактаб "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Қишлоқчиликнинг шаҳар ёки туман марказидан фарқ қилувчи жиҳатлари борки, бу бевосита ўқув муассасаларида ҳам сезилиб туради. Билим масканида ташкил этилган "Сармоядан ташқари ишлаб топиладиган маблағларни ҳисобга олиб бориш ва сарфлашни назорат қилиш комиссияси"нинг раиси Тўлқин ака Сафаровнинг эътироф этишича, мактаб ошхонаси, буфети учун мавжуд томорқа ва ҳомий ташкилотлардан тушган маблағлар шу комиссия қарори билан сарф этилар экан.

Комиссия таркибига қишлоқ ҳудудидаги маҳалла оқсоқолининг киритилиши анча муаммоларни очиқ ва ошкора ечим топишида қўл келмоқда, - дейди Тўлқин ака. — Жумладан, ўтган йили "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ҳомийлик сифатида мактаб учун 500 килограмм буғдой ажратган эди. Биз комиссия қарори билан бу маҳсулотни нақд пулга сотиб, мактабни таъмирлаш, жиҳозлаш ишларига сарф этдик. "Кирим" ва "Чиқим" дафтарларида бу каби харажатлар қайд этиб борилмоқда.

— «Кенгашганга кенг дунё» дейдилар, - дея суҳбатимизга қўшилади мактаб директори Эркин Икромов. — Мактаб том маънодаги маданият маскани ҳам. Тузилажак васийлик кенгашлари таълим жараёнини такомиллаштиришга ҳомийлар эътиборини янада кенгроқ жалб этишнинг турли вариантларини, тушган маблағларни ошкора ва оқилона, ҳеч қандай ортиқча муаммоларсиз сарфлашнинг чиройли тизимини ишлаб чиқишга кўмаклашиши мумкин. Бугун ёш авлоднинг таълим-тарбияси йўлида улуш қўшмоқни хосиятли иш билаётган тадбиркор ва ишбилармонлар сафи кенгаймоқда. Масалан, хўжалигимиз ҳудудида фаолият юритаётган "Назокат", "Ҳамза", "Хуршид" каби хусусий фирма раҳбарлари ўқувчиларимиз ўртасида турли кўрик-танловлар ташкил этиб, ўзларининг совринларини қўйишмоқда. Билимли ўқувчиларимизга махсус стипендиялар ажратишни ҳам режалаштиришган...

Домла топиб айтдилар: "Кенгашганга кенг дунё". Баъзан жойини топиб сарфланган минг сўм кўз кўрарга совурилган ўн минг сўмдан кўра жамиятга ҳам, одамларга ҳам нафлироқ бўлиши мумкин. Маблағ хосиятли йўлда сарфлангани билан қадрлидир. Ҳар қандай ҳомий ҳам ўз маблағининг шарофатли ишларга яраганидан ғурурланади.

Лойиҳалар эълон қилинди. Кенгашлар эртами кечми тузилиб, ўз фаолиятини бошлайди. Гап эса, бу кенгашлар бошида оқил ва одил, масъулиятли шахсларнинг туришию буйруқнинг асл мақсадмоҳиятини тўғри, тўлақонли англаб иш юритишида...

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Xalqimizning xilma-xil va bir-biridan go‘zal mahalliy uslublari, mumtoz musiqamizning yuksak durdonalari bo‘lgan maqom namunalaridan ma’naviy zavq olish, ruhiy bahramand bo‘lish imkoniyatiga ega bo‘ldik.

Янгиқўрғон туманидаги 10-мактабнинг мусиқа фани муаллими, “Йил ўқитувчиси – 2004” кўрик-танловининг вилоят босқичи иштирокчиси Барно Шаҳобова ўз дарсларида мусиқа ва қўшиқчилик оламининг нозик сир-асрорларини ўқувчилар онгига сингдиришга ҳаракат қилмоқда. Қуйида муаллиманинг IV синф ўқувчиларига ўтган ана шундай дарсларидан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

РИВОЯТ БИЛАН ЎЙҒУНЛАШТИРИЛГАН ДАРС

Куй ва қўшиқ. Ҳаётда бу иккисидан-да сеҳрли, жозибалироқ нарса бўлмаса керак. Негаки, улар инсон қалбини хушнуд этиш баробарида руҳиятига маънавий қувват ҳам беради. Бироқ куй ёки қўшиқни ижро этиш санъат бўлганидек, уни тинглай билиш ҳам маданият ҳисобланади.

Дарснинг мавзуси: “Қалдирғоч” қўшиғи. М.Абдушукурова шеъри. Ш.Ёрматов мусиқаси.

Дарс режаси: 1. Уй вазифасини текшириш, баҳолаш.

2. Мусиқа тинглашга ва оҳангларга ажратишга ўргатиш.

3. Овоз созлаш.

4. “Қалдирғоч” қўшиғининг матни ва мазмун-моҳиятини тушунтириш, бир мисрасини куйлаш.

5. Мусиқа саводи: Миллий чолғу асбоблари билан таништириш.

Дарснинг мақсади: “Қалдирғоч” қўшиғини ўқувчиларга ўргатиш ва бу жараёнда эстетик тарбия бериш. Ўқувчилар қалбида табиатга, қушларга меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотиш.

Ўтилган дарс сўралгач, ташкилий қисм ўтказилиб, навбатчи ахбороти тингланади.

Ўқитувчи: — Ўқувчилар, дарсга тайёрмисиз?

Ўқувчилар: — Ҳа, устоз, тайёрмиз.

Ўқитувчи: —Жуда яхши, ундай бўлса, дарсимизни бошласак ҳам бўлади. (Шу пайт эшик тақиллайди) Ие, ўқувчилар, кимдир эшикни тақиллатяптими? Мен бориб қарайчи. (Ўқитувчи эшикни очганда мусиқа оламининг маликаси кириб келади)

— Ассалому алайкум, маликам. Болалар, танишинглар, бу меҳмонимиз мусиқа оламининг маликаси бўладилар. Синфимизга хуш келибсиз!

Малика: — Ассалому алайкум, болажонлар. Мен сизларни мусиқа оламига саёҳатга олиб бормоқчиман. Лекин, бир шартим бор.

Ўқитувчи: — Қандай шарт экан, маликам?

Малика: — Мана бу қутича ичида саволлар олиб келганман. Болалар шу саволларга жавоб беришлари керак.

Ўқитувчи: — Майли, маликам, бу болалар жуда зукко, билимдон. Саволларингизга, албатта, жавоб берадилар.

Малика: —Ундай бўлса, саволларимни ўқийман.

1-савол: Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясига қайси бастакор куй басталаган?

Бир ўқувчи: —Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясига бастакор Мутал Бурҳонов куй басталаган.

2-савол: Ноталар нечта?

Иккинчи ўқувчи: — Ноталар 7 та. ДО, РЕ, МИ, ФА, СО, ЛЯ, СИ.

3-савол: — Бутун нота неча “И” га тенг?

Учинчи ўқувчи: — Бутун нота тўрт “И”га тенг.

4-савол: — Бастакор нима қилади?

Тўртинчи ўқувчи: — Бастакор куй басталайди.

5-савол: — Болалар бастакорларидан кимларни биласиз?

Бешинчи ўқувчи: — Болалар бастакорларидан Надим Норхўжаев, Икром Акбаров, София Абрамова, Дилором Омонуллаева, Шермат Ёрматовни биламан.

6-савол: —Хоҳлаган қўшиғингиздан бир мисра ижро этиб беринг?

Олтинчи ўқувчи:

— Ёз бўлса, қиш бўлмаса,
Ош бўлса иш бўлмаса.
Ишдан қочиб сояда,
Шамдек қотар дангаса.

Малика: — Раҳмат, болажонлар! Сизлар жуда зукко экансизлар. Жавобингиз мени қониқтирди. Мен ўзим билан бирга рағбат карточкаларини, яъни бутун ноталарни олиб келганман. Битта бутун нота уч балл. Демак, ноталарни кўпроқ олишга ҳаракат қилинг. Ҳозир саволларимга яхши жавоб берган болаларга мен ноталарни тарқатаман. Энди саёҳатга борсак ҳам бўлади.

Ўқитувчи: — Тўхтанг, маликам, узр. Лекин менинг ҳам шартларим бор. Агар ўқувчилар бу шартларимга ҳам яхши жавоб бера олсалар, саёҳатга олиб борамиз. Шартларим қуйидагилар:

1-шарт: Уй вазифаси.

2-шарт: Мусиқа тинглаш, номини ва оҳангини топиш.

3-шарт: Янги мавзу. “Қалдирғоч” қўшиғини куйлаш.

Шартларни бажаришга тайёрмисиз?

Ўқувчилар: — Ҳа, тайёрмиз.

Ўқитувчи: — Ундай бўлса, биринчи шартни бошлаймиз. Бу шартимиз уй вазифаси. Хўш, уйга қандай вазифа берилган эди?

Бир ўқувчи: —Уйга вазифа “Ўзбекистон” қўшиғини ёдлаб келиш берилган. (Ўқитувчи 5-6 нафар ўқувчидан уй вазифасини сўрайди. Малика эса рағбат карточкаларини бериб туради)

Ўқитувчи: — Энди иккинчи шартимизга ўтамиз. Ҳозир Гулчеҳра баянда бир куй чалади. Сизлар тинглайсиз ва номини, оҳангини топасиз. (Гулчеҳра “Қўғирчоғим” куйини чалади)

Бир ўқувчи: — Бу “Қўғирчоғим” қўшиғининг куйи. Оҳанги ўртача тез.

Ўқитувчи: — Раҳмат, жуда тўғри. Энди мен яна бир куй чаламан, диққат билан тинглang. (Ўқитувчи “Онажоним” қўшиғининг куйини чалади)

Иккинчи ўқувчи: — Бу қўшиқнинг номи “Онажоним” қўшиғи. Маҳмуджон Дадабоев шеъри ва мусиқаси. Оҳанги тайин.

Ўқитувчи: — Тўғри топдингиз.. Энди учинчи шартга навбат етиб келди. Учинчи шартимиз янги мавзу, яъни “Қалдирғоч” қўшиғининг матни билан танишиш ва биринчи мисрасини куйлаш.

Айтинглар-чи, баҳорда юртимизга биринчи бўлиб иссиқ ўлкалардан қайси қушлар учиб келади?

Бир ўқувчи: — Баҳорда биринчи бўлиб қалдирғоч учиб келади.

Ўқитувчи: — Жуда тўғри, демак, бугунги дарсимизда мана шу ажойиб қуш ҳақида қўшиқ ўрганамиз. Лекин, аввал сизларга қалдирғоч ҳақидаги бир ривоятни айтиб бермоқчиман.

Қадим замонда Нуҳ пайғамбаримизга Яратгандан бир ваҳий келибди: Бутун ер юзини сувга бостираман, сиз каттакон бир кема ясаб, ҳар бир жонзотдан бир жуфтдан кемага жойланг.

Шундан кейин Нуҳ пайғамбар катта кема ясаб, унга ҳар бир жонзотдан бир жуфтдан жойладилар ва Оллоҳга хабар бердилар. Оллоҳнинг инояти билан бутун ер юзини сув босибди. Ер юзида бирорта ҳам тирик жонзот қолмабди. Фақат кемадагиларгина омон қолишибди. Улар сувда узоқ сузибдилар. Кунлардан бир куни кема тешилиб, унга сув сизиб кира бошлабди. Нуҳ пайғамбар нима қилишини билмай қолибди. Шунда кемадагиларга қараб “Кимда-ким кемани ҳалокатдан асраб қолса, хоҳлаган тилагини бажо келтираман” дебди. Шунда каттакон бир илон тешикка кулча бўлиб ётиб олиб, кемадагиларни сақлаб қолибди. Кема узоқ сузибди ва қуруқликка чиқиб олибди. Нуҳ илонга қараб шундай дебди: “Ҳой илон, сен бизни ҳалокатдан асраб қолдинг, тила тилагингни”. Шунда илон: “Менга дунёдаги энг гўшти ширин нарсани таом қилиб беришингизни сўрайман. Нуҳ пайғамбар қовоқарини энг гўшти ширин жонзотни билиб келиш учун жўнатибди. Қовоқари ҳар бир жонзотни чақиб кўрибди ва энг гўшти ширин жонзот инсон эканлигини билибди. У йўлда учиб келаётиб, қалдирғочга дуч келибди. Қалдирғоч ундан сўрабди: “Қани, айт-чи! Дунёда энг гўшти ширин жонзот нима экан”? Қовоқари инсон гўшти экан, деб жавоб берибди. Қалдирғоч: — Қани, ўша тилингни бир чиқарчи, мен бир ўпиб олай. Қовоқари тилини чиқарганда қалдирғоч уни чўқиб олибди. Шундан қовоқари гапира олмайдиган бўлиб қолибди. Икковлон Нуҳ пайғамбар ҳузурига учиб келишибди. Нуҳ сўрабди: — “Қани, ари, айт-чи, энг гўшти ширин жонзот нима экан?” Қовоқари гапиролмай “Ғўнг-ғўнг” қилаверибди. Уни тушунмаган пайғамбар қовоқари нима деяпти, деб сўрабди. Шунда қалдирғоч: “Бақанинг гўшти ширин экан деяпти” деб жавоб берибди. Шу-шу илонга бақанинг гўшти таом сифатида берилибди. Қиссадан ҳисса шуки, қалдирғоч инсонни илонга ем бўлишдек фалокатдан асраб қолибди. Демак, ўқувчилар, қалдирғоч инсонга дўст экан. Уларни асраб-авайлашимиз, уяларини бузмаслигимиз, болаларини ўлдирмаслигимиз керак экан. Марҳамат, энди қўшиқ матни билан танишиб оламиз.

Баҳор келиб, гулларни сочиб юборди,
сочиб юборди.
Гуллар ҳиди дилларимизни очиб
юборди, очиб юборди.
Чарх уради қалдирғочлар вижир-вижирлаб,
Сўзлашади ўзларича вижир-вижирлаб.

Қалдирғочлар биз томонга учиб келишсин,
Қанотида баҳор исин олиб келишсин.
Майли бизнинг айвонларга инлар қуришсин,
Сира-сира ҳайдамаймиз, сайраб беришсин.

Бу қўшиқнинг матнини Марҳабо Абдушукурова ёзган. Шермат Ёрматов куй басталаган. Мен ҳозир қўшиқни айтиб бераман, сизлар такрорлаб, биргаликда куйлашни ўрганамиз. Болалар, қўшиқнинг иккинчи мисрасини кейинги дарсимизда ўрганамиз. Маликам, ўқувчилар менинг шартларимга ҳам яхши жавоб бердилар. Шунинг учун уларни мусиқа оламига саёҳатга олиб борсак бўлади. Ҳозир мен шеърли сўзларни айтаман, сизлар кўзингизни юмиб, такрорлайсизлар.

“Амарабати-амарабати ишвара, кинтамани-кинтамани кишвара” (Ўқувчилар кўзлари юмуқ ҳолда сўзларни такрорлайдилар. Унгача ўқитувчи доскага турли хил мусиқа асбобларини териб қўяди). Бир, икки, уч... кўзингизни очинг. Мана, мусиқа оламига етиб келдик. Қаранглар, бу ерда турли хил миллий чолғу асбоблари бор экан. Маликам, рухсат берсангиз, ўқувчиларни бу чолғулар билан таништирсам.

Малика: — Майли, менинг салтанатимдаги сеҳрли созлар билан танишиб олинг.

Ўқитувчи: — Мана бу рубоб, у нохун билан чертиб чалинади. Қани, болалар, рубоб ҳақида ким шеър билади. (Бир ўқувчи рубоб ҳақида шеър айтади). Мана бу чолғу асбоби — доира. У уриб чалинади. (Доира ҳақида қўшиқ айтади)

Доира дум-дума
Баҳори мавсума,
Келса баҳор гулғунчалар
Қилар табассума.

Мана бу най, бу – дутор (Дутор ҳақида қўшиқ).

Куйла дилкаш, куйла дилкаш, дуторим,
Хуморим ёз, хуморим ёз, хуморим.

— Мана бу чолғулар – карнай, сурнай, ноғора. Бу чолғуларни биз байрамларда, сайлларда кўп кўрамиз. Мана, ўқувчилар, мусиқа оламининг сеҳрли созлари билан ҳам танишиб олдик. Энди шеърли сўзларни такрорлаб, яна синфимизга қайтамиз. (Шеърий сўзлар яна такрорланади)

— Ўқувчилар, мусиқа оламига қилган сафаримиз сизга ёқдими?

Ўқувчилар: — Ҳа, устоз, жуда ҳам ёқди.

Ўқитувчи: — Жуда яхши. Энди “Қалдирғоч” қўшиғимизни пианино жўрлигида яна бир такрорлаб, мустаҳкамлаб оламиз. (Қўшиқ мустаҳкамланади).

— Энди мен ўқувчиларни баҳолаб олгунимга қадар, сиз Ҳилола ижросида чиройли рақс томоша қиласиз.

Магнитафондан қўшиқ янграйди ва Ҳилола рақсга тушади. Унгача ўқитувчи ўқувчиларни баҳолаб чиқади.

Ўқитувчи: — Ўқувчилар, шунинг билан бугунги дарсимиз якунига етди. Уйга вазифа қўшиқ матнини ёд олиш ва куйлаб келиш. Кейинги дарсда учрашгунча хайр.

Дарсни “Ма’rifat”нинг махсус мухбири Хуршид СУЛТОНОВ кузатди.

Amaliy mashg‘ulotlar

МУСИҚАНИ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ФАН, ДЕБ БЎЛМАЙДИ

Ёхуд ўқувчилар мумтоз куй-қўшиқлар, маҳаллий ижрочилик услублари ва нота саводи бўйича етарли тушунчаларга эга бўлмай қолаётгани хусусида

Ҳозирги кунимизни куй-қўшиқсиз ва мусиқа манбаисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, халқимизнинг улкан мероси ва қадриятлари, анъаналарини ҳаётга татбиқ этиш ва уларга янада сайқал бериш қувончли ҳолдир. Лекин халқимиз томонидан яратилган ноёб ва дурдона асарларимиз ҳозирги кунда ёш авлодга қандай таъсир кўрсатаяпти? Мактабларимизда 1-синфдан 7-синфгача ҳафтасига 1 соатдан ўтиладиган мусиқа маданияти дарслари қандай ўтилмоқда? Сирасини айтганда, баъзи мактабларда мусиқа дарслари ДТС талаблари асосида малакали мутахассислар томонидан мукаммал ўтилмоқда. Баъзи жойларда эса, бунинг акси. Сабаби кўпроқ мусиқа дарсларига иккинчи даражали фан деб қарашимизда. Аввало шу нарсани таъкидлашимиз керакки, айрим жойларда мусиқа дарсларини номутахассис кадрлар ўтаяпти. Унинг ўша фанни ўтишга лаёқати борми-йўқми ҳисобга олинмайди, асосийси, дарс соати кўпроқ бўлсин. Аммо ўқувчига ўша ўқитувчи керакли билим ва кўникмани бера оладими? Ваҳоланки, ҳозирги ўқувчилар ўз синчковлиги ва талабчанлиги билан илгаригилардан анча фарқ қилади. Уларнинг дунёқарашлари ҳам ўзгача.

Биз шу нарсани ҳисобга олишимиз керакки, ҳозирги дастур ва янги дарсликларда мавзулар мураккаб ва мукаммаллаштирилган ҳолатда берилган. Айниқса, маънавиятимиз гултожи бўлган миллий қадриятларимиз акс этган анъанавий ижрочилик йўлидаги мумтоз мусиқа ва қўшиқларни ўқувчилар онгига сингдириш ва етказиш учун ўқитувчидан кат-

Ta’kid

та билим ва маҳорат талаб этилади. Маълумки, мактабларда аксарият ўқувчилар мусиқа дарсини ҳафта давомида сабрсизлик билан кутишади. Улар ўз ҳис-ҳаяжонларини, дилдаги туйғуларини мусиқа орқали ифодалашга астойдил ҳаракат қилишади. Агар ўқувчига керакли билим ва кўникмани бера олмасангиз, унда лоқайдлик ва ҳафсаласизлик пайдо бўлади, муҳими ўша фанга бўлган қизиқиши сўнади.

Тан олиш керакки, жуда кўп мактабларда ҳатто мусиқа хоналари ҳам йўқ, дарслар дуч келган синф хоналарида ўтилади. Ваҳоланки, аниқ фанлар учун ажратилган синф хоналаридек, мусиқа фани учун ҳам алоҳида синф хоналари шарт. Кўргазмали қуроллар ва дарс жиҳозлари орқали ҳам олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мумкин. Кўпгина мактабларда эса бунинг акси. Дарсликда берилган бирор бир қўшиқни ўқувчига ёздирамиз ва хоҳлаган оҳангга солиб айтдирамиз, шунинг билан 45 дақиқалик дарс ўтади-кетади. Мусиқа саводи, мусиқа тинглаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ўқувчилар мумтоз куй-қўшиқлар, маҳаллий услублар ва нота саводи бўйича тушунчага эга бўлмай қолмоқдалар. Агар ўқувчи қалбига керакли билим ва кўникмани сингдира олсак, бу бизнинг катта ютуғимиздир.

Яна бир ачинарли томони шундаки, ўқувчилардан бирор-бир халқ томонидан яратилган терма, ялла, лапар ёки мумтоз қўшиқлардан парча айтишни сўрасангиз, билмаслиги мумкин, аммо телевизор ёки радио орқали берилаётган «куйдим-ёндим» қўшиқларни ёддан айтиб беришади. Демак, ўқувчилар бундай мавзудаги қўшиқларни ўзлаштириб олаётган экан, нима учун миллий меросимиздан завқ ола олмайди. Бунинг учун айбни ўзимиздан қидиришимиз керак эмасми? Истиқлолимиз туфайли кўп асрлик мусиқий меросимизга миллий-маънавий қадриятларимиз қаторида алоҳида эътибор берила бошланди. Халқимизнинг хилма-хил ва бир-биридан гўзал маҳаллий услублари, мумтоз мусиқамизнинг юксак дурдоналари бўлган мақом намуналаридан маънавий завқ олиш, руҳий баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдик. Шунинг учун ҳам мусиқа маданияти дарсларини юксак маҳорат ва дид билан ўтиш ҳар биримизнинг долзарб вазифамиз бўлиб қолсин.

Сувонқул НОМОЗОВ,
Булунғур туманидаги 5-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси

МЕН БИР ЁШГА УЛҒАЙДИМ!

нега бу гапни болакайлар ҳаяжон билан, катталар маъюслик билан айтади?

Янги йил, шунингдек, туғилган кунларни ҳамма-ҳамма хурсандчилик билан кутиб олади. Биз катталарнинг-ку, кўнглимизда бироз хижиллик бўлади. Чунки ёшликдан бир одим чекиниб, қарилик сари юз тутдик-да. Лекин, болажонлар доимо катта бўлиш орзусида юришади ва, албатта, улар бу кунларни зўр мамнунлик оғушида ўтказади.

Агар кузатадиган бўлсак, бола йилдан-йилга ўсиб, "ақлироқ" бўла боради. Келинг, боғча болаларининг гапларига қулоқ тутайлик-чи. Улар қанчалик улғайиб, фикри чархланибди. Беш ёшли Аслиддин ўтаётган йилимизни шундай эслайди:

— Менга бу йил дадам велосипед олиб бердилар. Ўтган гал ваъда бериб обермагандилар.

Шоҳжаҳоннинг хотиралари қуйидагича: "Мени боғча опам янги йилда катта гуруҳга ўтказмоқчи эдилар. Шунинг учун янги йилни кутаяпман. Катта гуруҳга ўтиш масза-де".

Ҳали кичик гуруҳ тарбияланувчиси Паризод 2004 йилга шундай назар солади: "Бу йил ойим ўғил чақалоқ олиб келдила. Энди мен опа бўлдим, чунки опаман-да".

Тайёрлов гуруҳидаги Ёқутхон эса бироз хафароқ: "Мен бу йил мактабга чиқмоқчи эдим. Дадам сумкалар, формалар олиб берган эдилар. Лекин бир ҳафта мактабга борганимдан кейин, янги йил келасан, деб мени олишмади. Энди янги йилни кутиб ўтирибман".

Яқиндагина қўлини ҳалоллашган Мирворис эса шундай дейди: "Бу йил менга тўй қилишди. Ҳатто отам менга саман от ҳам олиб келдилар. Лекин унга анча пайт чиқолмадим. Чунки, ёмон оғриди-да..."

Нозиккина Дилноза эса шундай дейди: "Ўтган йили Қорбободан ойим менга қўғирчоқ олиб келгандилар. Ўшанда менинг бўйим Ферузаникидан (қўғирчоғи) кичкина эди. Энди қаранг, ундан анча баландман".

Кўриниб турибдики, болалар ҳам йилдан-йилга ўзларида бўлаётган ўзгаришларни сезишар экан. Фикримча, ота-оналар фарзандларининг катта бўлаётганларини улардан ҳам кўпроқ пайқашса керак. Ростдан ҳам шундай бўлиб чиқди. Ота-оналардан бу ҳақда сўраганимда, улар фарзандларининг "катта" бўлаётганликлари кўз ўнгида сония сайин кўпайиб бораётганини айтишди. Қуйидаги гапларни С.Раҳимов туманидаги 146-МТМдан фарзандини олиб кетаётган ота-оналардан эшитдим.

Зулфия Умурзоқова, беш ярим ёшли Бобурнинг онаси:

— Мана, ўғлимни боғчага олиб келганимга бир йил тўлди. Шу йил давомидаги ўзгаришларнинг барчасини санашга имконим чекланган. У шу вақт ичида жамоага қўшилишни ўрганди, уятчанлигини ташлади. Нутқи анча равонлашди, опаси Мадинанинг хатти-ҳаракатларига кўпроқ тақлид қилаяпти. Лекин отаси "ўғил бола бўлиб ўссин" деб кўпроқ назоратга олаяпти. Айрим пайтлари "бу ўғил боланинг одати", "бу қиз боланинг иши ёки гапи" деб хатоларини тўғрилайди. Кейин боғчада инглиз, рус тили машғулотларида ўрганганларини такрорлашади. Бўйи ҳам анча чўзилиб қолди. Яқиндагина ҳамшира айтди: бир йилда 11 см ўсибди.

Онанинг кузатувларидан ташқари, Бобурнинг тарбиячиси Гулноза Арипжонова ҳам бола ўсиб ривожланиши бўйича мониторинг ўтказган. Тарбиячининг айтишича, Бобур ёш хусусиятига мос равишда ҳам ақлан, ҳам жисмонан, ҳам руҳан ўз меъёрида улғаймоқда. Унинг бир йил олдин тенгдошларига нисбатан кўрсатган натижалари "ёмонроқ" бўлган. Бироқ, энди ҳаммаси изга тушиб кетди.

Олти ярим ёшли Дилнозанинг онаси Феруза Қориева эса бу ҳақда шундай дейди:

— Қизимни икки йил олдин, тўрт ярим ёшлигида боғчага олиб келгандим. У бошида ҳеч ам бу ерда қолгиси келмасди. Орқамдан "опа-а" деб йиғлаб, тарбиячиларни ҳам хуноб қиларди. Лекин йилдан йилнинг, тарбиячининг тарбиячидан фарқи бўларкан. Ҳозир қизим рақс тўгарагидаги энг фаол қизлардан. Ҳар бир байрам, эрталиклар унинг чиқишларисиз ўтмайди. Бундан жудаям қувонаман. Тўғри, вақтнинг ўзи болани улғайтиради. Улғайиш билан улғайишнинг ҳам мезонлари бор экан. Атроф-муҳит, жамоанинг катта таъсири бўларкан бу жараёнда. Агар мен ҳам қизимни боғчага олиб келмаганимда, уйда бошқа болалардек ҳовлида югуриб у-бу ўйин ўйнарди. Ёки телевизордаги ўзи қатори болаларнинг бийронлигига ҳаваси келиб, оғзи очилиб ўтирарди. Энди эса Дилнозанинг катта бўлиш орзуси аниқ тизимли ва йўналишли тарзда амалга ошяпти.

Масаланинг бир жиҳати бола руҳиятига чамбарчас дахлдорлигини ҳисобга олиб, 146-МТМ психологи Зулхумор Азизова нуқтаи назарига эътибор қаратдим.

— Боғчада болада рўй бераётган барча ижобий, салбий ўзгаришлар қайд қилиб борилади. Ва шу асосда натижаларни яхшилаш учун ҳаракат қилинади. Олайлик, бола бир йил мобайнида қўл моторикаларини ривожлантириши, йигирмадан ортиқ шеър, ўндан ортиқ эртак ўрганиши ва ҳар кунги машғулотларда ўзи учун ўрта ҳисобда бешта турлича янгиликларни ўзлаштиради. Энди, ўйлаб кўринг, боланинг бир йиллик "ҳосилдорлиги" қанча бўлишини. Бироқ, боланинг боғчада эгаллаганлари уйда рағбатлантирилмас экан, "ҳосилнинг" ярми пучга чиқади. Шу ўринда бир ҳолатни келтирмоқчиман.

Kuzatuv

Гуруҳимда тенгдошларидан кўрсаткичлари кам бўлмаган бир қизча бор эди. Лекин у бирданига ўзгариб қолди (салбий томонга). Суриштириб билсам, қизчанинг онаси яна фарзанд кўрган ва у меҳрнинг бўлинганини "ҳазм қилолмаган". Ҳар доим катта бўлиш истагидаги тарбияланувчим охир бир кун "ёрилди".

— Менинг ҳечам катта бўлгим келмайди. Ана, ойим Суннат (укаси) кичкина бўлганлиги учун уни яхши кўради. Мени бўлса овқатингни тезроқ е, емасанг косангни йиғиштириб қўй, ўйинчоқларингни сочмагин, шовқин кўтариб тўполон қилмагин... деб уришадилар...

Бу вазият бола учун мудҳиш изтироб. Шунинг учун болада кучли руҳий тушкунлик ҳолатини содир қилиб қўйишдан ота-оналаримиз доим эҳтиёт бўлишлари керак. Биламиз, одатда ҳамма кичкиналарда катта бўлиш орзуси кучли бўлади. Улардаги бу иштиёқни тўғри тарбиялашнинг аҳамияти катта. Бир куни болалар билан психологик тест ўтказдим. Ҳар бир боланинг қўлига узук бериб, уни бош бармоққа тақсангиз бобо ёки бувингизга, кўрсаткич бармоққа тақсангиз ака ёки опангизга, ўртанчасига тақсангиз отангизга, номсиз бармоққа солсангиз онангизга, жимжилоғингизга тақсангиз ука ёки синглингизга ўхшашни хоҳлаган бўласиз, дедим. Деярли кўпчилик ўртанча ва номсиз, ундан кейин кўрсаткич ва бош бармоқларини танлашди. Фақатгина айтиб ўтганим қизча жимжилоғидан узугини чиқармади...

Ҳикоядан сўнг хулосани шундай чиқаришга қарор қилдим. Боланинг ёш хусусиятига қараб йиллик ўсиш, ривожланиш меъёрлари бўлади. Бу меъёр йил давомида боғча тарбиячиси, психологи, ҳамшираси, жисмоний тарбия инструктори ва ота-она томонидан мунтазам кузатилиб, томонлар ўз натижалари билан ҳисоблашса, бола ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб улғаяди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

ХОРИЖДАН ЙЎЛЛАНГАН САЛОМ

Дунё кенг, олам чексиз. Юртлар кўп, шаҳарлар бисёр. Миллатлар мўл, элатлар ҳам кам эмас. Урф-одатлар яшайди, анъаналар эса қарор топади. Инсоният борки, яхшилик сари талпинади, умумбашарий қадриятларни эътироф этади. Йиллар алмашиниши кутилаётган шу кунларда кишилар бир-бирларига самимий тилакларини изҳор қилишяпти. Янги йилни ўз туғилиб ўсган Ватанида эмас, балки ўзга мамлакатга илму урфон эгаллашдек эзгу истак билан кетиб, ўша ёқда қарши олаётган юртдошларимиз бор. Улар билан ўз электрон почталари орқали боғландик.

Нозим ХЎЖАЕВ, Нагайск (Япония) университети докторанти:

— Байрамларнинг бўлгани яхши, чунки тилакларимиз шундай кунда тўкилади. Айниқса, киндик қонинг тўкилган юрт халқига ўзга мамлакатда туриб салом йўллашдек, дил изҳорингни баён этишдек соҳир туйғу бормикан?

2003 йил сентябрь ойидан бошлаб Тошкент давлат юридик институтида таҳсил олаётган талабалардан бири сифатида менга Японияда ўқиш имконияти туғилди. Бундан бошим кўкка етди ва кунчиқар мамлакатга қараб учдик. Бир йилдан ошдики, Японияда-ман. 2004 йилни ҳам шу мамлакатда кутиб олган эдик. Бу диёрнинг халқи, аҳоли турмуш тарзи ҳавас қилгулик даражада. Таълим тизими юксак, илғор тажрибалари кўп. Қисқаси, япон турмуш тарзига ҳам қисман кўникиш ҳосил қилдик. Лекин шу нарса аёнки, киши қаерда, қандай вазиятда бўлмасин, ўз туғилиб ўсган юртини қўмсар экан. Янги 2005 йилни яхши ниятлар билан кутиб олаётган барча юртдошларимизга, хусусан, бизга ўз сабоқларини берган Тошкент давлат юридик институтининг кўп сонли педагогик жамоасига Японияда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар энг яхши тилаклар йўллаб қолишади. Жисман халқимиздан, юртимиздан йироқда бўлсак ҳам, руҳан ҳамиша улар билан биргамиз.

Sog'inch

Музаффар ҲУСНИДДИНОВ, Германиянинг Берг университети магистранти:

— Ҳар доим янги йилни туғилиб ўсган она шаҳрим Тошкентда кутиб олар, оила аъзоларимизнинг бир-бирига эзгу тилакларни изҳор қилиши кайфиятимизни чоғ қиларди. Бир-бирига уланиб кетаётган 2004 йил билан 2005 йилларда янги йилни Германияда кутиб олиш насиб этди. Ҳозир Берг университетида матбаа ва полиграфия мутахассислиги бўйича ўқишимни давом эттиряпман.

Немислар табиатан чўрткесар, ҳисоб-китобга пухта, узоқни кўзлаб иш тутадиган халқ. Уларнинг тилини мукаммал ўрганиб олганим бу ерда жуда қўл келаяпти. Шаҳар кўчалари, маъмурий бинолари, савдо дўконларидаги саранжом-саришталикдан, кишиларнинг бир-бирига кўрсатадиган мулозаматидан қанчалик ҳайратга тушмайин, она юртим Ўзбекистоннинг танти халқини соғиндим. Биламан, шу дақиқаларда юртдошларим бир-бирларини янги 2005 йил билан табриклашяпти. Эшитишимча, янги йилга Президент ташаббуси билан Сиҳат-саломатлик шиори ташланибди. Буни энг муҳим ҳаётий зарурият деб ҳисоблайман ва менга таълим берган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кўп сонли ўқитувчиларига, собиқ курсдошларимга яхши тилаклар ҳамроҳ бўлсин.

Темур АЛЛАНИЁЗОВ, (Жанубий Корея) Ёнгнам университети магистранти:

— Жанубий Корея — ривожланган мамлакатлардан бири. Бу ерда бўлиш, таълим олиш бахти насиб этишини ўйлаб ҳам кўрмагандик. Мана, дўстим Улуғбек билан Ёнгнам университетида ўқишни давом эттиряпмиз. Телекоммуникация тизимларига кадрлар тайёрлаш бўйича бой тажриба тўплаган бу университетда дунёнинг бошқа мамлакатларидан ҳам талабалар келиб ўқишар экан.

Ўзбекистон ва Корея муносабатларининг ривожланиши биз ёшларга катта имкониятлар яратмоқда. Мен ўзбек ва корейс халқининг тиришқоқлик, меҳнаткашлик хислати ўхшаш эканлигини англадим. Яна икки кундан сўнг янги 2005 йил эшик қоқиб кириб келади. Биз ўзбекистонликлар бу ерда тўпланиб, халқимизга ёрқин келажак, осойишта ҳаёт, энг муҳими сиҳат-саломатлик тилаб, янги йилни қарши оламиз.

Бир-бирига мазмунан яқин бу мактубларнинг юртдошларимиз томонидан йўлланган ва самимий тилаклар ила йўғрилгани кишига кўтаринки бир кайфият беради. Одам қаерда, қайси ҳолатда бўлмасин, Ватан соғинчи билан яшайди, ана шу туйғуни дилига жо этиб, келажак сари талпинади. Шундай экан, биз ҳам фалакнинг гардиши билан турли юртларда илм эгаллаш орзусида юрган ҳамюртларимизга янада кўпроқ муваффақиятларга эришиб, соғ-омон она юртларига қайтишларини тилаймиз

Интернет орқали Ҳ.ТЎЙМАНОВА боғланди

«Етим боланинг тарбиясини ўз устига олган киши жаннатда мен билан шундай яқин бўлади».

Ҳадисдан.

Хивада мўъжазгина бир маскан борки, юрак сирларию қувончларини, меҳрларию миннатдорчиликларини дил тўрида сақлаган беғубор қалблар бу ерда илм олишади. Гарчи, ота-она дийдоридан бенасиб бўлишса-да, еру кўкка ишонмайдиган оналари меҳрини жажжи юракларида асраб яшашади. Бу она эса, мурғак қалблардан жой ола билган мукаррам аёл — Ўзбекистон Қаҳрамо-

МИНГ ЎҒИЛ-ҚИЗЛИК ОНА

ни Вера Борисовна Пак!

— Меҳр ва мурувват йили боисиданми, даргоҳимизга ҳомийлик қилувчилар кўпайди, — дейди Вера опа. — Айниқса, ҳайит кунларида кимдир палов дамлаб келди, кимдир моддий томондан ёрдам берди, яна бошқа эзгуликларимиз мисол ҳисоб рақамимизга пул ўтказишди. Асосийси — юртдошларимиз МЕҲРни буюк тутаётганлигида! Урганч давлат университети жамоаси 100 минг сўм, «Хивапарранда» ҳиссадорлик жамияти миллион сўмга яқин, юзлаб саховатпеша инсонлар ҳомийлик ёрдамларини беришди. Уларнинг аксарияти исми-шарифиниям айтишмади, бизга ҳужжатлаштириш учун зарур дегандан сўнг зўр-базўр айтишади. 20-меҳрибонлик уйимизга Самарқанд, Тошкентдан ҳам болалардан хабар олгани келганлар анчагина. Самарқанд «Савдо уйи» раҳбари Олим Набиев тез-тез болалардан хабардор бўлиб туради. «Ўғил-қизларингизни Самарқандга олиб боринг, айтсангиз ўзим олиб кетаман, саёҳат қилдираман» деб кетди.

Опа маҳзун жилмаяди. Бу жилмайишда кўнгли кемтик болаларнинг дардларини опичлаб яшаётган онахоннинг туйғулари яширингандек туюлади.

— Болаларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашаман, — дейди опа. — Қайси бири қандай касбга қизиқади, қайси ҳунарнинг этагидан тутмоқчи? Маслаҳат, йўл-йўриқ бераман. Мана бу йил 9-синфни 23 нафар, 11-синфни икки болам тугатди. Қайси тумандан келишган бўлса, ўша ёққа бориб фарзандларимнинг касб-ҳунар коллежларига киритдим. Таҳсил тугаганидан сўнг эса, ҳокимликларга олиб бориб топшираман. Улар уй-жой билан таъминлашади. Муҳими — бола кўчада қолмаслиги керак. Ўқиш даврида ўғил-қизларим-

Якунланаётган йил ўқитувчилар учун баракали келди. Улар ойлик маошининг оширилиши ва унга қўшимча фойлар белгиланиши устозларнинг ўз касбига нисбатан меҳрини янада оширди. 2004—2005 ўқув йилининг «Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили» деб номланган устозлар зиммасига яна бир масъулият юклади. Энди улар ўқувчиларнинг фақат мактабда ўтадиган вақти эмас, балки синфдан ташқари вақтини унумли ўтказишлари учун ҳам қайғурмоқдалар. Келгуси йил режалари яхши, бироқ Меҳр ва мурувват йили деб номланган, тугалланаётган ушбу йилда олдимизга қўйилган қайси вазифаларни бажардигу, қайси ишларга улгуролмадик? Ўтаётган йилда амалга оширилган ўрнак олгулик ишларни келаётган йилда ҳам такрорлаш, камчиликларни бартараф этиш учун ҳам қилинган ишларга яна бир бор назар солиш зарар қилмайди. Биргина халқ таълими тизимида қилинган ишларни сарҳисоб қилсак.

ТАЪЛИМГА БАРАКА КЕЛТИРГАН ЙИЛ

Ўқув йили бошида деярли анъанага айланиб қолган Президент совғаси бу сафар 590 минг нафар биринчи синфга борадиган ўқувчиларга тарқатилди. Меҳрибонлик уйлари ҳар доим эътиборда бўлди. Бу йил уларга ўтган йиллардагидан ҳам кўпроқ аҳамият берилди. Жойлардан олинган маълумотларга асосан, шу йил 1 сентябргача 28 та меҳрибонлик уйи, 57 та махсус мактаб-интернат, 8 та санаторий типидаги махсус мактаб-интернатлар тўлалигича таъмирдан чиқарилди. Меҳрибонлик уйлари таъмирига бюджет ҳисобидан 1 млрд. 183 млн. 300 минг, ҳомийлар томонидан 254 млн. сўм маблағ сарфланди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун ҳар қанча ғамхўрлик қилинса ҳам оз. Улар меҳрга ҳаммадан кўра кўпроқ муҳтождирлар. Давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, гарчи ота-она ўрнини босмаса-да, уларнинг ўксик қалбларига бироз бўлса-да, малҳам бўлади.

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигига республикамиздаги мавжуд меҳрибонлик уйлари, махсус ва санаторий типидаги барча мактаб-интернатларини коммунал хизматлар тўловидан 50 фоиз озод этилиши юзасидан рўйхат тақдим этилди ва ...

масала ижобий ҳал қилди.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг ёмон йўлларга кириб кетиш хавфи кучли бўлади. Уларни тўғри йўлга бошлаш, таълим муассасаларида гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан 2003—2004 ўқув йилида ушбу ...авзуларни акс эттирган 60 ...н сўмлик кўргазмали ...ллар мактабларга етказ... Ўқувчиларни гиёҳван... каби боши берк кўчага ...б қолишдан сақлаш йўли... ...ундай тарғибот ишлари... ...нг ўрни алоҳида. Ёшлар ...ш вақтини мазмунли таш... ...л этиш учун уларга етарли ...арт-шароит яратиб бериш ...ерак. Шу мақсадда қишлоқ ...актабларида спорт майдон... ...аларини барпо этиш, улар...

Тугалланаётган йилнинг Меҳр ва мурувват йили экани... ...лигини ҳисобга олсак, Халқ таълими вазирлиги ҳам бу йилга бағишлаб жуда кўп тадбирлар ўтказди. Ўқитувчи ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан нафақадаги кекса ўқитувчиларга пул мукофоти тарқатилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини, кам таъминланган оилаларнинг 2—9-синф ўқувчиларини бепул дарсликлар билан таъминлаш учун 9,3 млрд. сўм маблағ ажратилди ва дарслик-

...и зарур анжомлар билан жи... ...озлаш, секциялар ташкил ...илиш ва уларга болаларни ...алб этишни кучайтириш ...Мақсадида ҳудудий ва республика дастури ишлаб чи... ...илди. Унга асосан 2009 йил... ...да спорт заллари сони 6790 ...га етади.

Ҳозирда республикамиздаги 709146 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун қишки иссиқ кийим-бошлар харид қилиниб, жойларга етказилди. Албатта, гап уларга сарфланган маблағ ёки берилган совғада эмас. Асосийси, кўнгли ярим инсонларга эътибор қаратиш, уларга ёлғиз эмаслигини эслатиш.

Ёш авлод қалбига меҳр тушунчасини сингдириш, уларни она-Ватанга, бир-бирларига, оила аъзоларига муҳаббатли қилиб тарбиялаш ўқитувчиларнинг асосий вазифасидир. Халқ таълими вазирлиги томонидан оила ва маҳаллада бағрикенглик ва меҳр-оқибат тушунчаларини тарғиб этиш мақсадида «Мен меҳр-мурувватни қандай тушунаман?» мавзуида иншолар танлови ўтказилди ва низом асосида ғолиблар аниқланди.

Албатта, таълим тизимида амалга оширилган барча ишларни биргина мақолада айтиб ўтиш имкониятимиз йўқ. Асосийси, ҳар бир қилинган ҳаракат ўқувчиларга фойдали бўлиб, устозларга маъқул келмоқда. Ўйлаймизки, кириб келаётган 2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили таълим тизими соҳасида бундан-да баракалироқ ва омадлироқ келади.

Зуҳра БОБОХЎЖАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Sarhisob

ЎЗИДАН ОРТИБ, ЎЗГАГА

Шаҳрисабз туманидаги Оммоқон қишлоғида меҳрга зор бир қизалоқ яшайди. Унинг ёши 14 да. Ота-онаси бор, кийим-кечак, ейишичишидан кам жойи йўқ... Фақат у ногирон. Бу қизалоқ ҳам дугоналари қатори чопқиллаб ўйнашни, мириқиб дарс тинглашни, ўртоқлари билан кўчани тўлдириб мактабга қатнашни хоҳлайди, бироқ у бу бахтдан мосуво эди...

Мана икки йилдирки, унинг маҳалласига бир муаллима кўчиб келдию асли педагог оила фарзанди бўлган Фарида Ҳиммatова унга баҳоли қудрат ёзиш, санаш ва тўқиш сирларини ўргатишга бел боғлади. — Унинг келажаги мени қизиқтириб қолди,— дейди муаллима. — Ахир у қиз бола, унинг тарбияси икки ҳисса оғир.

Шуни ўйлаб ўқитувчи бўш вақтларида оз-оздан бўлса ҳам унинг саводини чиқаришга киришди. Қизчанинг аёлларга хос бўлган бирор ҳунарни эгаллашини истаган муаллима тўқишни ўргатишга ҳам бел боғлади. «Бу сизга оғирлик қилмайдими, мактаб, рўзғор, яна бу юмуш», деб сўраганимизда, Фарида «мактабда ишлаганим учун ҳақ оламан. Рўзғор доим ўзим билан бирга, чунки аёллик вазифамни бажараман. Ахир савоб ҳам керак-ку инсонга», деб жавоб берди.

Орамизда савобталаб кишилар кўп. Улар халқига, одамларга нафи тегмаган кунини умри ҳисобига қўшмайди. Юртимизда ана шундай меҳр ва мурувватли кишилар кўпаяверсин!

Илҳом НОРОВ,
Шаҳрисабз туманидаги
69-мактаб психологи

Chorlov

Кичкина қизалоқлик кезларимда, меҳрни қуёшга қиёслашганини эшитиб, ҳайрон қолган эдим. Қандай қилиб кичкинагина инсон қалбидаги меҳр кўёшдек улкан бўлиши мумкин. Ахир, қуёш қанчалар юксак, қанчалар олисда бўлишига қарамасдан ундан таралаётган нур бутун оламни ёритади, тафтидан она табиат, барча инсонлар баҳра олади. Меҳр эса, фақат инсонлар орасидагина бўлади, деб ўйлар эдим. Ёшим улғайгани сари меҳр ҳақида фикрим ўзгара бошлади. Кейин тушундим, меҳр қуёшдан-да буюк. Чунки, меҳр инсон қалбини ёритиб, унга илиқ бир ҳарорат бахш этади. Ҳатто биз унчалик эътибор бермаган, назаримизга илмаган, оёримиз остидаги оддий майсалар ҳамиша қуёш меҳрига талпиниб, унинг ҳароратидан баҳра олиб яшайди. Шунингдек, ҳайвонлар, қушлар ҳам

гонанинг боласидан ҳам меҳрларини қизғанмаганлар. Етим болаларни олиб, ўз фарзандларидек тарбиялашган. Асрлар оша қадрланган анъаналар, удумлар, инсонлар орасидаги меҳр шу кунда ҳам давом этмоқда. Айниқса 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши ва ана шу йилдаги амалга оширилган улкан ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Кам таъминланган оилаларга, чекка-чекка қишлоқдаги мактабларга, богча ва яна турли муассасаларга моддий ёрдамлар берилди. Қариялар, ёлғиз аёллар, етим болаларнинг кўнглини кўтариш, руҳан меҳрибонлик қилиш, мурувват кўрсатиш мақсадида турли тадбирлар, мулоқот кечалари

МЕҲР-МУРУВВАТДАН ЧАРЧАМАНГ!

ўзларига кўрсатилган марҳаматни биладилар.

Меҳр аслида нима? Меҳр инсонлар ўртасидаги, уларни бир-бирлари билан боғловчи кўринмас ришта. Меҳр қалб гулшанида очилган гулларнинг энг ноёбики, ундан тайёрланган гулдасталар мурувват, саховат, муҳаббат дейилади. Бу гулдасталардан тараладиган ифор қалб гулшанини ўзининг муаттар бўйлари билан тўлдириб, инсонга руҳий тетиклик бағишлайди.

Инсон яралибдики, бу туйғу мавжуд. Ва ҳали ҳамон инсон бирон бирига яшайди — ҳаётга, тирикликка мазмун бахш этади. Фақат унинг одамлар ўлчами назарида бор. Меҳр кўрсатиш, мурувват қилишни кимдир дабдабали дастурхон ёзиб, халққа ош бериш, яна кимдир нимадир эҳсон қилиш орқали мурувват кўрсатиш деб тушунади. Аслида-чи, инсонга оддийгина эътибор ҳам меҳр, ҳурмат ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оқибат кўрсатиш ҳам мурувватдир. Ота-боболаримиз кимнингдир уйини кўтаришда, дала ишларида бутун маҳалла бўлиб, қариндошуруғлар биргаликда ҳашардор уюштиришган. Етим-есир, ночор, боқувчиси йўқларга маҳалладагилар ўртада маблағ йиғиб, тўйларини ўтказишган. Кимнингдир боласи кўчада уришаётганини кўришса, унга насиҳат қилиб, тўғри йўл кўрсатишган. Ҳатто бекўплаб ўтказилмоқда. Барча тадбирлар инсонларни бир-бирларига янада яқинлаштириб, меҳр-оқибатни янада орттирмоқда.

Мурувват қилиш қандай бўлиши мумкин? Фақат ўзингдан ортганда бировга моддий ёрдам беришми? Ёки йўл солиш, кўпчилик учун бинолар қуришми?

Ўз яқинларига самимий, ширингина табассум ҳадя этиш, қоқилиб йиқилган болани ўрнидан турғазиб қўйиш, инсонлар бошига ташвиш тушганда, уларга далда бериш, кўнглини кўтариш, дўстлар кулфатини ўз ташвиши деб билиш, улардан ҳимматини аямаслик, ҳатто душманига ҳам ёмонликни раво кўрмаслик мурувватга киради деб ўйлайман. Мурувватнинг қай даражада ёки усулда бўлиши инсоннинг ўзига боғлиқ.

Инсондан фақатгина эзгу ишлар ва меҳр-муҳаббат мангу қолади. Инсоннинг қалб ошиёнида барпо этилган меҳр-муҳаббат саховат ва мурувватдан, яхшилик уруғларидан унган гул-чечаклардан яралса, бу дунё қанчалар гўзал бўлур эди. Илоҳим, ана шундай маънавий гўзалликка ҳар кимни етказсин. Меҳр ва мурувватдан чарчаманг. Биздан фақат ва фақат яхши ном қолсин.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

КЎЧИРИЛМАГАН ИНШО

ОТАМНИНГ ҲИКОЯСИ

Қизим!

Аввало, устозларингга раҳмат. Шундай савобли ишни тавсия қилишибдими, демак сизлардан ниманидир кутишаяпти. Қалбида меҳр ва мурувват бўлмаган кишидан ҳақиқий шифокор чиқмаслигини улар яхши билишади. Фақат «азъо» баҳоларга ўқиган билан меҳрибон бўлолмайсан киши. Ҳақиқий шифокорнинг қалби тоза, виждони пок, вужуди ҳалол бўлмоғи лозим. Ахир ҳамма вақт ҳам беморни фақат дори билан даволаб бўлмайди. Ўрни керсанга ширин сўз, чинакамига меҳр минг дардга даво бўлади.

Туғ'и

Берилган мавзу бўйича қайсидир газетадан ёки журналдан кўчириб берадиган тенгқурларингиз ҳам ҳали орангиздан топилар. Майли, бу уларнинг иши. Мен бошқа нарсага ачинаман. Ундайларнинг билмаган нарсасини сўрашдан, маслаҳат қилишдан ор қилиши фожеадир. Балки сўраралар. «Бор-ей, ўша иншо билан бошимни оғритма. Эртага бозорга вақтли боришим керак. Газетани кўчириб топширавер. Ким билиб ўтирибди...ег-гувчи ота-оналар йўқлигига кафолат беролмайман.

Ўзимиз, кейин тузата олмай овораи сарсон бўлганимиз, бошимизни деворга урганимиздан ёмони йўқ.

Меҳр ва мурувват мавзуида ўз фикр-мулоҳазаларимизни қоғозга тушириш тўғрисида домладан тавсия олдик. Албатта, талабалик даврингда ўрганилаётган машғулотларга доир кўп нарсаларни ёзишга тўғри келади. Бунинг учун анчагина адабиётларни, рисолаларни, илмий мақолаларни мутолаа қиласан. Бироқ, бу сафар бизга қадрдон бўлиб қолган устозларимиздан бири мавзуни айтдию, буни ёзишга доир дарсликларни тавсия қилмади.

Кўп ўйладим. Меҳр ва мурувват, Ватанга садоқат, қадрият тўғрисида фақаттина китобдан ўрганиб бирон нарса ёзиб бўладими ўзи?! Ўқиб-ўргансангу, унга амал қилмасанг. Тилингда минг бора такрорласанг-да, дилингда бошқа нарсалар бўлса?! Шундагина англаб етдимки, устозимиз шунинг учун ҳам бизга эркин мавзу берган. Ҳеч бир манбадан фойдаланишни маслаҳат қилмаган.

Эндигина йигирма баҳорни кўрдик. Меҳрни биламизми, мурувватни-чи? Тўғри, газеталар, журналларда, китобларда кўп ва хўп ёзишаяпти. Ойнаи жаҳонда бу ҳақда кўрсатишаяпти. Бироқ, буларнинг барини ахборот тарзида қабул қилаяпмиз.

Меҳр ва мурувватни юракдан ҳис қилмоқ, қалбингга жойламоқ жоиз эмасмикин? Ана шундагина бировга жўяли сўз айтиб бўлади, деган хулосага келдим. Ана шундагина «ундоқ қилмоқ керак, бундоқ қилмоқ керак» деб ёзишни эмас, балки ўз бурчимизни чуқур англашни ўрганиб оларамиз.

Неча минг йиллик аждодларимиз меҳр ва мурувватни ҳақида ниималарни биламан? Қадриятларимизни бармоқларим сони еттунича санай оламанми? Шу ерга келганида ҳаммасига нуқта қўйдим. Ҳеч нарсани ёзолмайман, ёзмайман ҳам.

Ана шунда «меҳр-мурувват» деган буюк бир куч мени бу қийноқлардан қутқарди. «Отам ёнига бораман» деган ҳайқириқ юрагимдан отилиб чиқди. У менга меҳрини беради, мурувватини дариғ тутмайди. Қўлимдан етаклайди. Эзгуликка ундайди.

Ҳар ҳолда отам ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, бирмунча ёзишни ҳам билади. Лекин, муҳими бу эмас. Тўғри йўл кўрсатса бас. Қолганини ўзим эпларман, деган илинжда унинг ҳузурига чопдим.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, ўқишларим ҳақида сўриштирди. Ҳар сафаргидек, касбимнинг савобли эканлигини яна бир бор эслатди. Домлаларимнинг соғ-саломат юрганликларини сўради. Яхши ўқишимни, пухта ўрганишимни алоҳида уқтирди.

Хуллас, мақсадга кўчдик. Бироз ўйланди. Мен дамлаб келиб олдига кўйган кўк чойни узоқ шопирди.

— Қизим, — деди қўлига пиёлани олар экан, — нимани билсанг, нимани кўрган бўлсанг, шуларни эринмай ёзавер. Мен ҳам сенга билганларимни ҳикоя қилиб бераман. Майли, ёзганларингни кейин бир кўриб чиқарман.

Отам билан узоқ суҳбатлашдик. Унинг ҳар бир гапида меҳр товланиб турганини ҳис этдим. Унинг сўзларини улугранимча ёзиб олдим. Лекин, бу фикр-мулоҳазаларни ўз тилимдан баён қилишни сира-сира эп кўрмадим.

Қизим, шуни эсдан чиқармагинки, ҳар куни палов ея... палов ҳақида гапирмай қўясан. Қачонки, қозонга солишга бир ҳовуч гуруч топилмай қолса, палов эсга тушади, унинг қадри билинади.

Меҳр ва мурувват деган сўзлар бугун пайдо бўлаётгани йўқ. Миллатимиз шаклланибдики, ҳар лаҳзада буни кўрамиз, сезамиз. Бугунги кунда эса, бу нарсаларга янада кўпроқ эҳтиёж сезилаётгани учун ҳаммамиз ғимирлаб қолдик. Чунки, ўзбек оиласида, маҳалласида, шаҳару қишлоғида меҳрмурувватсиз яшаб бўлмайди. Ота болага, қўшни қўшнига, касбдош касбдошга, дўст биродарга меҳр-мурувват кўрсатмаса, ҳаммаси пул билан ўлчанаверса, ҳаёт тўхтаб қолиши ҳеч гап эмас. Тўғри, ҳаёт тўхтамаслиги мумкин. Лекин, ўз умримизни ўзимиз ўлчаб қўйсак нима бўлади?!

Мен пул ҳақида гапирдим. Шу ерда бир нарса эсимга тушди. Илгаримиз сартарош маҳалладошларининг йил давомида соч-соқолини оларкану, пул олмас экан. Темирчи уста ўроқ-пичоқларни текинга чархлаб берарканми. Куз келганда ўша маҳалладошлар устанчикига дон-дун, мева-чева олиб бориб берарканлар. Усталар ҳам йил давомида ана шу нарсалар билан тирикчилик қилишар экан.

Баъзан шундай ҳоллар бўладики, чўнтагингдаги минглаган пулингга бир оғиз ширин сўз, меҳр тополмай қоласан.

Қўшнинг қашшоқ ўтирсаю, сен бадавлат бўлиб унга мурувват кўрсатмасанг, бу ҳолни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам «Мол дунёси кўп одам бадавлат эмас, балки нафси тўқ одам бадавлатдир!» деган сўзларини сира эсдан чиқармаслигимиз керак.

Ул зотнинг ушбу сўзлари эса ҳар куни қулоғинг остида жаранглайдиган бўлсин: «Бирортангизнинг назарингиз ўзингиздан бадавлатроқ ҳамда омадлироқ одамга тушганда ўзингиздан камбағалроқ ва омадсизроқ одамга ҳам бир назар ташлаб қўйинг!»

Бу муқаддас жумлалар бир йил, ўн йил ёки юз йилдан буён келаётгани йўқ. Узоқ аждодларимиз турли хил турмуш қийинчиликлари бўлган даврларда ҳам бу сўзларга амал қилишган.

Кўп йиллар давомида муқаддас динимиздан узоқлашдик. Айрим амалларни умуман ҳаётимиздан ўчириб ташладик. Бу ўша даврлар сиёсати эди. Чуқурроқ ўйлаб кўрсак, динимиз бизни бирга кўшиб кўпгина қадриятларимизни ҳам улоқтириб ташлабмиз. Энди эса, уларни излаяпмиз.

Ўзбек миллати ўз билими, иқтидори билан қанчалик буюк бўлса, меҳр ва мурувватли бўлиши билан ундан-да буюкроқдир. Буни кейинги авлодларимиз янада чуқурроқ англаб етсалар, унга амал қилсалар, аждодлари анъаналарига садоқатли бўлсалар ҳеч бир ўзбекнинг армони қолмас эди.

ХОТИМА

Шу ергача ёздим. Ёзганларимни икки-уч марта ўқиб чиқдим. Негадир яна ўқигим келаверди. Шунда бир ҳақиқатни англадим. Биз кўпинча фақат эртанинг ташвиши билан овора бўлиб қоламиз. Чунки, бугун эртаги кун ишини бажариб қўйсак, эртага индиннинг иши олдимизда рўбарў бўлади. Атрофимизга синчиклаб қарашга, ҳаётга теранроқ разм солишга нега вақт топа олмаймиз.

Меҳр ва мурувват ҳам шундай. Уни биров бизга ўргатиши, шунга ундашига ҳожат борми ўзи? Шундай буюк ҳақиқатни, туганмас туйғуни ўзича англай олмаган миллатдошимиз борлигининг ўзи катта бир йўқотишдир. Бундай ҳолни кулфат, фожеа, деб билмоқ тўғридир.

Мен бу ишни бажармоқликнинг /рефератни ёзишнинг/ шундай йўлини тутиб тўғри қилдимми, йўқми? Буни ўзим баҳолай олмайман. Балки бўлғандаям бирон-бир сабоқ олярман. Менга ана шу сабоқ етарли деб ўйлайман.

Севара ХУДОЙБЕРГАНОВА,
1-Тошкент давлат тиббиёт институти
Урганч филиали даволаш факультети
4-курс талабаси

Меҳр-мурувват тушунчаси нафақат жамиятимиз ҳаётида, балки давлатимиз сиёсатида ҳам асосий масалага айланиб бормоқда.

Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежида бу борада бир қанча ибратли ишлар йўлга қўйилган. Коллеж атрофида жойлашган маҳаллаларда яшовчи ёрдамга муҳтож инсонларга дарсдан сўнг ўқувчилар режа асосида мунтазам равишда беминнат ёрдам бериб келишмоқда.

Яқинда ўқув масканимиз ўқувчилари коллеж директори С.Рахмонбердиев ташаббуси билан Ўзбек миллий академик драма театрида «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан қайта ишланган драма-

ТАЪЛИМ ВА САНЪАТ БИРЛАШГАНДА

ўқувчи-ёшларнинг фаоллиги ортади

тург, ёзувчи Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудованинг «Умр шомидаги бахт» спектаклини жамоа бўлиб томоша қилишди.

Умр фаслининг айни меҳр-мурувватга муҳтож кексалик даврида оила бағрида, дастурхон тўрида, фарзандлари иззат-ҳурматига эга бўлиш насиб қилмаган отахон ва онахоннинг ҳаётлари томошабинлар қалбида ачиниш, кўзларида ёш, уларнинг фарзанди ва яқинларига нисбатан нафрат туйғулари пайдо қилди. Спектаклдан сўнг театр раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов коллеж раҳбариятига таълим муассасаси ва театр билан ҳамкорликни ташкил қилганлиги учун миннатдорчилик билдирди.

Театр инсон онгини шакллантиришда муҳим тарбия кучига эга бўлган жонли мулоқот санъатидир. Шу боисдан ҳам театр таассуротлари коллежга кўчди. Бу ерда гуруҳларда режа асосида мунтазам ўтказиладиган тарбиявий соатларда «Умр шомидаги бахт» спектакли ҳақида ўқувчи-ёшлар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини эркин билдирдилар. Хуллас, ушбу спектаклдаги воқеалар ҳозирги ҳаётимиз билан боғланиб, ёшлар ўртасида кенг ва чуқур муҳокама қилинди.

Ҳакима АСОМОВА,
шу коллеж услубчиси



II-ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ректорати,

профессор-ўқитувчилари ва талабалари, барча юртдошларимизни кириб келаётган янги 2005 йил билан муборакбод этади! Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши барча жамоатчилик қатори, аввало, биз тиббиёт ходимлари зиммасига изчил масъулият юклайди.

Пухта билимга ва тажрибага эга бўлган малакали врачлар тайёрлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига малакали тиббий клиник хизматлар кўрсатиш сифати ва самарасини ошириш борасида жадал йўналишлар олиб бориш, баркамол, соғлом ёш авлодни тарбиялаш ана шу жараёндаги вазифалардан биридир. Биз бу масъулиятли, айни дамда савобли ишлар кўламини янада кенгайтириш, халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш борасида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаверамиз.

Муҳтарам юртдошлар, азиз ҳамкасблар!
Сиҳат-саломатлик йилида барчангизга бахт-саодат, шахсий ҳаётларингизда омад ва зафарлар тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
Республика рассомлик коллежи

жамоалари
меҳмондўст, санъатсевар,
тинчликсевар, бағрикенг,
ижодкор ва бунёдкор
Ўзбекистон аҳолисини
кириб келаётган
Янги — 2005 йил
билан қутлайди!



БАРЧАГА СОҒЛИҚ-ОМОНЛИҚ, ОМАД ВА ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ!

ҚИШЛОҒИМГА ТАЛПИНАМАН

Гўё мўъжиза содир бўладигандек қарши олинадиган янги йилга тайёргарлик одатда бир ой олдин бошланади. Баъзи кишилар "бу йил ҳам ўтиб кетибди", "энди янги режалар билан ҳаракат қилганим бўлсин"... дея афсус билан бош чайқашади. Айниқса, талабалар "кучли мутолаага киришаман", "вақтимни умуман бекор ўтказмайман", дея ўзларига ваъда берадилар. Уларнинг йил охирлаб, семестр якунланаётган паллада ўзи туғилиб ўсган қишлоқларига талпинишларини тасаввур қилсангиз керак. Ахир янги йилни оила даврасида, дўстлар билан ўтказишга нима етсин! Келинг, яхшиси турли вилоятлардан келиб, пойтахт олий ўқув юртларида ўқиётган талабаларнинг сўзларига қулоқ тутайлик.

Мирзаахмад Маматқулов, Тошкент Ислом университети 3-босқич талабаси Самарқандга жўнаш арафасида:

— Мен учун янги йил яқин кишиларим билангина ҳақиқий байрам тусини олади. Шу пайтгача янги йилни ўз қишлоғимда қарши олдим. Бу ҳам бир бахт. Сессияни "аъло" баҳоларга якунладим. Уйга — туғилиб ўсган қишлоғимга шошяпман. Ҳозир фикру хаёлимда ана шу ўй. Энг муҳими, у ерда кўнглимга яқин кишилар мени кутишмоқда. Янги йилнинг файзи ҳам шунда-да!

Шоҳида Қурбонова, ЎзМУ 4-босқич талабаси, Навоий вилоятидан:

— Ҳар гал қишки таътилни интиқлик билан кутаман. Чунки бу пайтда ота-онам бағрида бўламан, қолаверса, янги йилни қишлоқ одамлари орасида кутиб олишнинг завқи бошқача. Қишки имтиҳонлардан, ўқишлардан ҳориб-чарчаган пайтимда кўз ўнгимда оиламиз, туғилиб ўсган юртим гавдаланадию енгил тортган бўлиб, қишлоққа талпинаман.

Одилбек Юсупов, Тошкент ирригация ва мелиорация институти халқаро магистратура бўлими 1-босқич талабаси, Хоразмга отланган:

Bayram arafasida

— Синфдошлар билан учрашувимни эслашим биланоқ, яйраб кетаман. Улар ҳам анча ўзгариб, улғайишган. Гарчи уларнинг гаплари ўзларидай содда, баъзан тўпори бўлса-да, самимий. Шунинг учун ҳам синфдошларим билан суҳбатлашгим келади. Кўпчилик айтади, қишлоқдаги синфдошларимнинг фикрлари жуда ҳам тор доирада. Йўқ, бу фикрга унчалик қўшилиб бўлмайди. Қишлоқдаги айрим тенгдошларимиз шаҳарда ўқиган баъзи ёшлардан юксакроқ фикрлашади. Синфдошларим билан ҳеч қачон зерикмайман.

Мавжуда Худойназарова, Тошкент архитектура ва қурилиш институти 4-босқич талабаси, Жиззах вилоятига кетиш тараддудида:

— Олисда бўлсам-да, кимларгадир кераклигимни ҳис қилган пайтимда ўзимни анчагина улғайиб қолгандек сезаман. Соғинч ҳисси ҳар қандай туйғудан азизлигининг ўзи менга ҳаётнинг нақадар гўзаллигини англатиб туради.

Кўрдингизки, талабалар қишки таътилнинг бошланишини интиқлик билан кутишмоқда. Бир неча кунлик дам олишдан сўнг улар яна куч-ғайрат билан ўқишни давом эттиришади.

Аслини олганда, янги йил бир кунда, соат 12:00 га бонг урганда кириб келади. Барча юртдошларимиз Президентимизнинг байрам қутловини тинглашади. Шундан сўнг телевизор экранида 2004 йил йўқолиб, янги 2005 йил пайдо бўлади. Бу сонияни ҳамма ҳар хил қарши олади. Кексаларнинг қўли дуода, ёшлар эса самимий тилаклар ила бир-бирларига боқишган... Ниҳоят, инсоният учун янги, бошдан кечирилмаган синовлар, ютуқ ва муваффақиятларни ваъда қилаётган дамлар ҳам етиб келади. Вақт ўтиб, янги йилимиз ҳам ўз поёнига етади, яна янги йиллар, янги даврлар келаверади... Энг муҳими, кириб келаётган янги йил қут-барака, файз ва омад келтирсин.

Азиз НОРҚУЛОВ

1-ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ректорати, профессор-ўқитувчилари, талабалари, институтнинг жойлардаги клиник шифохоналари жамоалари барча юртдошларимизни Янги — 2005 йил билан муборакбод этади!

Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинган Янги йилда барчангизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, оилавий бахт, хонадонингизга хайру барака тилаб қоламиз.

Муҳтарам ҳамкасблар! Тиббиёт илмини ўрганишга жазм этган азиз талабалар! 2005 йил айниқса, биз тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Халқимиз саломатлиги, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш, миллатимиз шаъни-шукуҳини юксалтириш йўлида барчангизга улкан зафарлар ёр бўлсин!

2005

sihat-salomatlik yili

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

Мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва меҳмонларини кириб келаётган Янги 2005 йил — "Сиҳат-саломатлик йили" билан самимий муборакбод этади!

Янги йилда Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонингизга қут-барака ва оилавий бахт тилайди.

Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.

Халқ банки — Сизнинг оилангиз банки!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАХТАСАНОАТ ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

жамоаси

барча юртдошларимизни, жумладан, деҳқон ва фермерларни, хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни, мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эл элчихоналари ва ваколатхоналари жамоаларини, Ўзбекистоннинг миллий ғурури бўлган пахта хомашёсини қайта ишлаш саноати корхоналари ишчи-хизматчиларини, навшунос олимларни

Янги — 2005 йил билан самимий қутлайди!



Барчангизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, оилавий бахт, шахсий ҳаётларингизда улкан зафарлар тилаймиз !

КАСБГА ҲУРМАТ

у ўқувчида қандай шакллантирилади?

Бугунги кунда касб-ҳунар коллежларининг чет эл лойиҳаларига киритилиши, уларнинг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши ҳамда малакали кадрларнинг ривожланган мамлакатларда малака оширишлари дунёга янги кўз билан қарайдиган, уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, юқори малакали кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш имкониятини яратмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ривожлантиришда хорижий усуллардан андозалар олиш, замонавий ўқитиш технологияларини яратиш зарур ҳисобланади. Ушбу вазифаларни бажариш республикамиз педагоглари ва муҳандис-педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир.

Жорий йилнинг октябрь ойида Индонезиядаги Маланг техника университетининг таълим тизими, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари жараёнини ўргандик ҳамда уни республикамиз таълим тизими билан таққосладик. Шу

Xorijda ta'lim

орқали анча малакага ҳам эга бўлдик. Бу ерда ўқув жараёнининг 40 фоизини назарий, 60 фоизини амалий билим ташкил этади. Таълим марказида турли касблар бўйича амалий машғулотлар олиб борилар экан. Шунингдек, Австралиянинг Виктория университетида тажриба алмашиш бўйича ўқишни давом эттирдик. Бу ерда ҳам талабаларга турли мутахассисликлар бўйича касб-ҳунар берувчи кампуслар мавжуд экан.

Индонезияда мактабдаги таълим тизими 12 йиллик бўлиб, унда касб-ҳунар йўналиши бўйича ҳам таълим жараёни ташкил этилган. Ишлаб чиқариш амалиётлари ўқув юртида, кампусларда шартнома асосида олиб борилади.

Касб-ҳунар бўйича маълум бир мутахассисликка эга бўлиш учун 1, 2, 3, 4-даражали сертификат ва олий маълумотли диплом берилади. Ўқиш муддати касб-ҳунар йўналишларига қараб 6 ойлик, 1 йиллик, 3 йиллик муддатни ташкил этади.

Ўқув жараёни тугаши арафасида иш билан таъминлаш билан турли компаниялар шуғулланади. Касб-ҳунарни ўрганишга киришган ўқувчи таълим стандартлари бўйича билимга эга бўлмаса, қайта-қайта ўрганиб, малакали мутахассис бўлгандан кейингина сертификат ёки дипломга эга бўлади. Иш берувчи, компаниялар ва ташкилотлар ўқув дастури ва таълим стандартларини тузишда иштирок этадилар. Улар томонидан ишга қабул қилиш бўйича талабномалар берилади.

Ҳар бир таълим муассасасига ишлаб чиқариш амалиёти ўташ, керакли хомашё учун маблағ давлат бюджети ҳисобидан берилади ва назоратга олинади. Ўқув дастури ва стандартларни қамраб олган қўлланмалар, уларнинг электрон версиялари ташкил этилган, масалан, тикувчилик бўйича ҳар бир ўтиладиган дарс, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича компакт дискларда тўлиқ ўқув жараёнини бошқариш йўллари, техника хавфсизлиги, тикув машинасининг тузилиши, ишлатилиши каби масалалар тўлиқ ёритиб берилган.

Касб-ҳунар йўналиши бўйича олиб бориладиган таълим жараёнида кўпроқ ўқувчига мустақил ишлашга имконият берилади. Ўқув жараёнидан кейин ўқувчи бажара олмаган ишларини қайта бажаришга тўлиқ шароит яратиб берилган.

Хориждаги ўрганиш ва тажрибалардан шундай хулосага келдикки, ўқув жараёни, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ўз вақтида белгиланган тартибда ўтилса, ўқувчининг касбга бўлган ҳурмати ошар экан.

Ф.МАМАТҚУЛОВ,
Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори,
Ш.ЮСУПОВ,
А.ЭРНАЗАРОВ,
коллеж ўқитувчилари

ФРАНЦИЯДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ПОРТЛАДИ

Франциянинг Мюлуз шаҳрида жойлашган кўп қаватли бинонинг портлаши натижасида 15 киши ҳаётдан кўз юмган ва бир неча ўн киши турли даражадаги оғир тан жароҳатлари олган. Қутқарувчиларнинг хабар беришича, ҳозирча портлаш қасддан уюштирилгани ёки террорчилик хуружи оқибатида содир бўлмаган. Ўт ўчирувчилар воқеа жойида кучли газ ҳидини сезишган. Бундан чиқадики, фожеа очиқ қолган газ оқибатида юзага келган. Буни шаҳар мэри ҳам эътироф этмоқда. Уй вайроналарида юздан ортиқ қутқарувчилар иш олиб боришмоқда. Уларнинг айтишича, тирик қолганлар бинонинг пастки қаватларида бўлиши мумкин.

РОССИЯ ВА ХИТОЙ ҚЎШМА МАШҒУЛОТ ЎТКАЗМОҚЧИ

Россия ва Хитой 2005 йилда қўшма ҳарбий машғулотлар ўтказишни режалаштирмоқда. Ҳарбий тайёргарликлар тарихда биринчи марта ҳамкорлик асосида амалга оширилади. Бу ҳақда Россия мудофаа вазири Сергей Иванов мамлакат президенти Владимир Путинга ахборот берди. Ҳарбийлар машғулотлари тўлиқ Хитой чегарасида амалга оширилади, деб хабар беради "Интерфакс" ахборот агентлиги. Россия мудофаа вазирининг айтишича, машғулотларда мамлакат ҳаво кучлари, замонавий пиёда қўшинлари ва сув ости кемалари қатнашади.

Ҳозирги кунда Хитой Россияда ишлаб чиқарилган қуролларни сотиб олиш бўйича биринчи ўринда туради. Охирги беш йил ичида турли ҳарбий қурол-аслаҳа, самолётлар ва сув ости кемалари савдоси бўйича шартномалар 5 миллиард долларни ташкил этган. 2004 йилда эса, Пекин ўрта ҳажмда қурол-аслаҳа учун 2 миллиард долларлик шартнома тузган.

"WORLD WILDLIFE" ЖАМҒАРМАСИ МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Умумжаҳон ёввойи табиатни асраш жамғармаси янги йил кунлари совға тариқасида 10 та нарсани сотиб олмасликни одамлардан илтимос қилди. Бу билан инсоният табиатга катта фойда келтиришини билдирди, деб хабар беради "Reuters" ахборот агентлиги. Маҳсулотлардан бири балиқлардан олинадиган қора икра. Каспий денгизида яшайдиган осетра балиғининг сони деярли қирилиб тамом бўлиш арафасида.

Йўлбарслар терисидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар. Жамғармасининг хабар беришича, жаҳонда ушбу ҳайвоннинг бор-йўғи 5 мингтаси қолган. Фил суякларидан ишланган жиҳозлар, тошбақа, антилопа, денгиз ўсимликлари, тимсоҳ ва илонлар териси, кактус ўсимликлари ҳам жамғарма рўйхатида бор.

Буюк Британия нашрларининг бири "The Guardian"нинг хабар беришича, мамлакатда тирик эчки совға қилиш анъанавий тус олган. Бундан ташқари Англияда Африкадаги қашшоқ давлатлар аҳолиси учун совға йиғиш учун махсус жамғарма очилган. Жамғарма британияликларга мурожаат қилиб, Африка фуқароларига ёрдам беришга чақирмоқда.

С. ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1999 йилда **Ботиров Ғанибек Мавлонович** номига берилган № 621385 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон фалсафа жамияти раиси, академик Саид Шермуҳаммедовга укаси, СамДУ фалсафа кафедрасининг профессори

Баҳодир ШЕРМУҲАММЕДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

Бир неча кунлардан сўнг инсоният 2005 йилга кадам қўяди. Барчамиз кузатаётган йилимизни сарҳисоб қилмоқдамиз. Табиийки, ҳар бир инсон ортда қолаётган йилни қандай ўтказгани, жорий йилда ютуқ ва муваффақиятларга эришгани, шу ўринда қандай камчиликларга йўл қўйгани ҳақида ўйлаб кўради. Албатта, ҳар бир ўтаётган йилнинг энг муҳим ва ёдимизда узоқ вақт сақланиб турадиган, бизни ҳайратга ёки ваҳимага солиб қўядиган воқеалари рўй беради. Мана шундай воқеалар сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин.

Ўтаётган йилда Россия давлатининг бошига оғир синовлар тушди. Москванинг турли бурчакларидаги портлашлар, 1 сентябрь — болалар айни таътилдан қайтиб, биринчи ўқиш кунини бошлаган палла Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида жойлашган 1-мактаб террорчилар томонидан босқинчилик йўли билан қўлга олингани ана шу синовларнинг энг оғири бўлди. Ўқув йилини бошлашга бағишланган тадбирда, маълумотларга қараганда, икки мингдан ортиқ киши йиғилган эди. Мактаб ҳовлисига кириб келган оғир юк машинасидан, чамаси 20 киши ҳарбий кийимларда юзлари ёпиқ ҳолда тушиб келган ва автоматлардан ўқ ота бошлаган. Йиғилганлар саросимада турли тарафларга қараб қочган, қолганлар эса, мактабнинг ёпиқ спорт майдонига олиб кирилган, атроф портловчи моддалар ёрдамида миналаштирилган. "Труд" газетасининг мухбирлари берган маълумотларга қараганда, гаровга олинганлар сони бир ярим минг кишини ташкил қилиб, уларнинг аксарияти болалар бўлган. Мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ушлаб турилган жойнинг портлаши, ўзаро қуролли тўқнашувлар сабабли 500 га яқин киши қурбон бўлган. Бегуноҳ болаларга қарши мисли кўрилмаган қонхўрлик бутун ер курраси аҳолисини жунбушга келтирди. Бутун жаҳон ўша кунларда Россия билан бирга мотам тутгандай бўлди, назаримизда.

x x x

Яқин Шарқда ҳам вазият анча мураккаб бўлиб турган, бир неча ўн йилликлардан бери давом этаётган Фаластин — Исроил тўқнашувлари юқори чўққига етган бир пайтда Фаластин мухторияти раҳбари, "Фатҳ" партияси йўлбошчиси Ёсир Арофатнинг соғлиғи жиддий ёмонлашди ва у Францияга даволаниш учун жўнаб кетишга мажбур бўлди. Фаластин етакчиси Ёсир Арофатнинг энг юксак орзуси мухториятни давлат сифатида суверен ва мустақил қилиш эди. Ўз вақтида Яқин Шарқда тинчликни ўрнатиш ҳаракатлари учун Арофат Нобель мукофоти совриндори бўлган. Фаластин озодлиги курашчиси Париж яқинидаги ҳарбий шифохонада оламдан ўтди ва Газо секторига дафн этилди.

x x x

Бошқа кўзга кўринган ҳодисалар сифатида шу йилнинг ноябрь ойида АҚШда бўлиб ўтган сайловларни эътироф этишимиз мумкин. Номзодлар — демократик партия вакили, сенатор Жон Керри ва амалдаги президент, республикачилар партияси аъзоси Жорж Буш ўртасида, тадқиқотчиларнинг айтишларича, унча катта тафовут бўлмаган эди. Бироқ, америкаликлар яқин тўрт йилга мамлакатни бошқариш имкониятини Жорж Бушга ва унинг ҳукуматига бердилар. Социологларнинг айтишича, америкаликлар мамлакат қаердадир уруш олиб бораётган вақтда ва вазиятда президентларини ўзгартирмасликка ҳаракат қилишар экан. Натижада Жорж Буш "TIME" журнали ўтказадиган "Йил одами" номинациясида ғолиб чиқди ва энг фаол сиёсатчи сифатида тан олинди.

x x x

Украинада ҳам вазият ўта кескин кечди. Украина давлати президентлигига ўз номзодларини қўйган мамлакат бош вазири Виктор Янукович ва "Менинг Украинам" партияси етакчиси Виктор Юшенко орасида овозлар деярли тенг бўлинди. Бундан ташқари, сайловларда анчагина қонунбузарликларга йўл қўйилгани, натижалар баъзи ҳолларда сохталаштирилгани кузатувчилар томонидан қайд этилди. Шундан сўнг мамлакат Юқори Радаси ва Марказий сайлов комиссияси сайловларнинг учинчи турини ўтказишга қарор қилди. 26 декабрь куни Украина президенти Леонид Кучма овоз бериш жараёнидан сўнг: "Ишқилиб, ушбу сайловлар натижалари аниқ чиқсин", дея умид билдирди. Натижада Виктор Юшенко сайловчиларнинг 52,75, Виктор Янукович эса 43,46 фоизини қўлга киритди. Маълумотларга қараганда, Юшенко учун 14 миллион 491 минг 105 та овоз берилган. Янукович эса, 11 миллион 937 минг 653 та овоз тўплади. Иккисини 2,36 фоиз киши рад этган. Ҳаммаси бўлиб 27 миллион 477 минг 82 сайловчининг овози қайд этилган. Мамлакатнинг умумаҳоли сонининг 77,22 фоизи сайловларда қатнашган. Бу воқеа тарихга "ярим йилга чўзилган сайлов" сифатида кирса, ажаб эмас.

x x x

Ҳар йили бир маротаба ўтказиладиган Нобель мукофотини топшириш маросимини ҳам йилнинг муҳим воқеаси дейиш мумкин. Соврин адабиёт (Эльфрида Елинек), иқтисодиёт(Финн Кюдланд ва Эдвард Прескот), тинчлик учун кураш (Вангари Маатаи), тиббиёт ва физиология(-Сидни Бреннер, Жон Салстон ва Роберт Хорвиц), кимё (Авраам Гершко ва Аарон Цихановер), физика(Дэвид Гроос, Дэвид Полицер ва Фрэнк Вильчек) йўналишларида тақдим этилди.

САРВАР САЙЁР ўғли тайёрлади.

СЎНГГИ 40 ЙИЛЛИКНИНГ ЭНГ КАТТА ҲАЛОКАТИ

27 декабрь тонгида Индонезиянинг Суматра ороли яқинида рўй берган кучли зилзила Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё минтақасидаги бир неча мамлакатда катта фалокат юз беришига сабаб бўлди. 9 балли. зилзила келтириб чиқарган кучли тўфон Шри-Ланка, Ҳиндистон, Индонезия, Таиланд ва Малайзия соҳилларига ҳам катта зарар келтирди. Мутахассисларнинг айтишича, бундай катта ҳалокат яқин 40 йил мобайнида юз бермаган экан.

Хабарларга қараганда, соҳилга келиб урилган тўлқиннинг баландлиги ўн метрдан ошган.

Тўфон куннинг иккинчи ярмида Жанубий Африка соҳилларига ҳам етиб борган. Фалокат қурбонлари сони 23,5 мингдан ошгани хабар қилинмоқда.

Шри-Ланканинг ўзида 11,5 минг киши ҳалок бўлган. Ҳукумат мамлакатни ҳалокат зонаси деб эълон қилди. Халқаро ҳамжамиятдан шошилинч ёрдам сўради. Бу ерга Франция ҳукумати 100 нафар қутқарувчи, зарур техника ҳамда дори-дармон юборди. Ҳиндистондан 4 ҳарбий кема ҳам жалб қилинди. Уларда қутқарувчилар ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш воситалари бор. Франция ва Швейцария мурувват ташкилотлари 500 минг АҚШ доллари ажратди. Шу билан бир қаторда Франция Шри-Ланка ва Таиландга гуманитар ёрдам қилиш билан бир қаторда врачларини ҳам жўнатди. Халқаро валюта фонди эса, ҳар қанақа ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди. Қизил ярим ой ва Қизил хоч жамиятларининг халқаро федерацияси жаҳон ҳамжамиятини табиий офатдан жабр кўрганлар учун 6,52 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишга чақирди. Европа иттифоқи 3 миллион евро, АҚШ 15 миллион доллар, Россия Шри-Ланкага 25 тонна ҳар хил турдаги гуманитар ёрдам юборди. Буюк Британия ҳам Шри-Ланкага пластик чойшаблар ва палаткаларни самолётда жўнатди. Маълумотларга қараганда, ер силкиниши ва тўфон оқибатида Шри-Ланкада 13000, Индонезияда 4500, Ҳиндистонда 3500, Таиландда 866, Малайзияда 52,Мальдивда 44, Бирмада 30, Бангладешда 2 нафар киши ҳалок бўлган. Бу рақамлар яна ортиши мумкин. Ҳинд океани жанубий-шарқида жойлашган Мальдив ороллари пойтахти — Маленинг учдан икки қисми сув остида қолди.

Мамлакат ҳукумати вакилининг хабар беришича, деярли бир ярим метр баландликдаги тўлқин денгиз сатҳидан бор-йўғи бир метр баландликда бўлган оролни ювиб ўтган.

Мальдив ороллари дунё ҳамжамиятини ёрдамга чақирди. Ҳиндистонда ҳукумат аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Қутқарув ишларига ҳатто армия қисмлари, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучларининг бўлинмалари ҳам жалб қилинган.

Ҳиндистон мудофаа вазирининг таъкидлашича, аҳвол жуда оғир. Ҳукумат раҳбари Манмохан Сингҳ эса, зарар кўлами ўрганилаётганини айтди ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига 100 минг рупийдан (тахминан 2,5 минг АҚШ долларига тенг) товон тўланишини маълум қилди.

Индонезиянинг фалокатга биринчи бўлиб дуч келган Ачех вилоятида 4,5 минг киши ҳаётдан кўз юмди.

Таиланд жанубидаги дам олиш зоналарида эса, тўфон пайти 10 мингдан 100 минггача одам бўлгани тахмин қилинмоқда. Қутқарув ишларида ҳарбийлар ва полиция билан бирга халқаро ва маҳаллий мурувват ташкилотларининг кўнгилли вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Дам олиш масканлари жойлашгани боис одатда бу минтақаларда маҳаллий аҳолидан кўра хорижлик сайёҳлар кўп бўлади. Шу сабабли, қурбонлар орасида бошқа мамлакатлар фуқароларининг салмоғи катта бўлиши айтилмоқда.

Хабарларда айтилишича, Таиландда дам олаётган 9 нафар швециялик шунингдек, 10 нафар норвегиялик ҳамда 4 нафар австрияликларнинг ҳам қурбон бўлгани хабар қилинмоқда. Маълумотларга қараганда Шри-Ланканинг ўзида 200 нафарга яқин чет эллик сайёҳ ҳалок бўлган. Шуларнинг 9 нафари япониялик дир, 11 нафар британиялик ҳам вафот этганлар рўйхатида, 10 дан ортиғи касалхоналарга келтирилган. Ҳозирда қутқарув ва қидирув ишлари давом этмоқда.

Интернет хабарлари асосида Шерзод АҲМАТОВ тайёрлади.

«O‘ZAGROSUG‘URTA»
DAVLAT AKSIYADORLIK SUG‘URTA KOMPANIYASI
uning Qoraqalpog‘iston Respublikasi va viloyatlardagi hududiy direksiyalari jamoasi
mamlakatimiz aholisini, tabarruk Vatanimizga tashrif buyurgan mehmonlar va sayyohlarni, chet el elchixonalari, vakolatxonalari jamoalarini kirib kelayotgan Yangi 2005 yil bilán qutlaydi!
Yangi yilda barchaga eng ezgu tilaklarimizni yo'llar ekanmiz, Siz azizlarning xizmatingizga doimo kamarbasta ekanligimizni ma'lum qilamiz.
Kompaniyamiz jamoasi Sihat-salomatlik yilida aholini ko'ngilsiz hodisalardan imtiyozli shartlar asosida sug'urtaviy himoyalash bo'yicha o'z xizmatlarini taklif etadi: mol-mulk, shuningdek garovga qo‘yilgan mulklar, imorat, avtotransport vositalarini sug'urtalash, chorva mollari sug‘urtasi, yuk sug‘urtasi, qurilish-montaj ishlaridagi qaltisliklarni sug‘urta qilish, baxtsiz hodisalardan sug‘urta qilish, aksionerlik jamiyatlarini bankrotlik holatidan aksiyadorlar oldidagi javobgarligini sug‘urta qilish bo'yicha ham Sizlarga eng maqbul usuldagi shartnomalar tavsiya etiladi.



«O‘ZAGROSUG‘URTA» – SIZNING ISHONCHLI HAMKORINGIZ!
Tel.: 133-31-89, faks: 133-26-23 Internet: www.agros.uz E-mail: info@agros.uz
Litsenziya: SF-00003

ШИЖОАТГА БЎЙСУНГАН СЎРОҚ

Ustoznoma

Ургут туманидаги 27-мактабда ҳар гал дарслар тугагач, Қаҳрамон Фармонов хонасида қолиб, кундалик газета ва журналларни мутолаа қилади. Эртага ўтиладиган дарслар, тадбирлар тўғрисида режа тузади. Одатдаги кунлардан бирида у ана шу юмушини эндигина тугатаётганда кимдир эшикни оҳиста тақиллатиб кириб келди. Хат ташувчи экан. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, у:

— Узр, ҳожи бобо (Қ.Фармонов ҳажга бориб келганлиги учун таниш-билишлари унга Ҳожи бобо, деб мурожаат қилишади). Уйингизга бормай, тўғри мактабга келавердим, — деб бир қоғоз узатди.

— Телеграмма, Тошкентдан.

— Тошкентдан, кимдан?

— Кимдан бўларди, жиянингиз Шарофжондан-ку!

— Нима деб ёзибди, тинчликми ўзи?

Қ.Фармонов шоша-пиша телеграммага кўз югуртирди. Унда: "Ҳурматли тоғажон! Сизни туғилган кунингиз ва қутлуғ 60 йиллигингиз билан қизғин табриклайман. Салом билан жиянингиз, Шарофжон", дейилган эди.

Ҳожи бобонинг кўнгли таскин топди, хат ташувчига миннатдорчилик билдириб, хайрлашди.

Кеч пайти уйига келиб, тамадди қилгач, умр йўлдошига жиянидан телеграмма келганини, ҳаммага салом деганини айтди. Иккиуч пиёла чой ичгач, мизғиб олмоқчи бўлиб, диванга чўзилмоқчи эди, бояги телеграммага кўзи тушиб, қайтадан курсига ўтирди. Телеграммага тикилганча хаёлга чўмди.

Ўтмиши бир-бир хаёлидан ўта бошлади... Дадаси Почвон қишлоғида зиёли, шу мактабнинг дастлабки мудирларидан бўлганлигиданми, онаси меҳрибон, болажон эканлигиданми, ўғиллари, қизларини ҳам одобли, зеҳнли қилиб ўстирганди. Қаҳрамон ҳам ана шу оила тарбиясини олиб, 6 ёшдан мактабга бора бошлади. Ўқиш даврларида ҳам барча фанлардан яхши ўзлаштириб, тенгдошлари орасида ибрат бўлиб келди. Мактабни тугатгач, аввал ҳарбий хизматни ўтади. Сўнгра 26-мактабда котиб, кейинчалик рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлади. Ўз билимини ошириш мақсадида 1969 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг адабиёт факультетига сиртдан ўқишга кирди, 1972 йилдан бошлаб ўзи ўқиган 27-мактабга ишга келиб, бошланғич синфларга рус тилидан дарс бера бошлади. 1974 йилдан мактаб бошланғич синфлар илмий бўлим мудирлигига тавсия қилинди. 1975 йилда олийгоҳни тугатди.

1979 йил август ойидан бошлаб катта билим даргоҳига директор этиб тайинланди. Шу вақтларда мактаб эндигина янги бинода иш бошлаган, синфхона, ўқув хоналари ҳали бўш, парта, столлар етишмас эди. Шу боис мактабни замон талабига жавоб бера оладиган даражага кўтариш мақсадида бир талай ишларни амалга оширди.

1979-1980 ўқув йилидан бошлаб мактаб тумандаги илғор мактаблар қаторидан жой олди, ўқитувчилар меҳнати қадрланди.

Директорнинг ўз олдига қўйган муҳим масалалардан яна бири ўқитишни бир навбатли қилиш эди. Шу сабабли қўшимча 10 та синфхона қурилиб, ишга туширилди ва мактаб 1989 йилда бир навбатли ўқишга мослашди. Мактаб иситиш системаси қайта таъмирланди. Спорт зали, ошхона ва буфетларнинг усти шиферланди. Ҳозирги кунда мактабни газлаштириш ишларига киришилган.

2004-2005 ўқув йилида мактаб жамоаси 66 нафарга, ўқувчилар сони 1251 нафарга кўпайди. Ўтган ўқув йилида иқтидорли болалар синфлари ташкил қилинди. Унда ҳозир 113 нафар ўқувчи таълим олаяпти. Бундан ташқари, 11 киши меҳнатига яраша устама ҳақ олишаяпти...

Шуларни ўйларкан, Қ.Фармоновнинг кўзи яна телеграммага тушди. "Наҳотки, у энди нафақачилар сафидан жой олса, умр дарёси шунчалар тез оқадими?" Ушбу сўроқ унинг ўзида сезган шижоати олдида бўйин эггандай туюлди...

Ёркин ЙЎЛДОШЕВ,
Ургут туманидаги 27-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2005 йил кам таъминланган оилаларнинг 1–9-синф ўқувчиларини қишки кийим-бош билан таъминлаш мақсадида 2004 йил 15 декабрь куни ўтказган тендер ғолиблари рўйхати.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР КУРТКАЛАРИ БЎЙИЧА:

Ал барака
Ал Хадичабону
Амр Бест
Арсеналид
Болалар 2000
Давроний
Европа экспресс
Истиқлол
Коинот ЛТД
Калорама
Қурилиш савдо Анд
Малика
Матонат
Наманган торг сервис
Нексен таъминот-сервис
Неъматжон хожи
Нозимабону
Пани люкс
Ромерио
Раъно-Самхунбек
Роел
Савдо-махсус-ишонч
Савдо нур бахт
Саноат-интер нур
Сатурн плюс Юпитер
Сибно
Лок колор-синтез
Танет
Тикувчилик саноат-барака
Тўй-тепа
Азия эксклюзив
Осиё-98
Тошпласт
Фазогул
Торг-савдо-трейд
Улмасхон Абдужалилова
Фаровон-Файз
Ҳамроҳ-саноат
Ҳайратон-ишонч
Эврика-люкс
Янги-авлод- 2001
Алпомиш
Ишонч-пресстиж
Европа-саноат
Альфафа
Орзу-дреам
Садо-2000
Акром парвози
Зоирбек
Самарқанденгилсаноат
Зангин плюс
Элена люкс
Ленд таъмир қурилиш
Эргаш Азиз
Орзу-атторлик
Насибулло
Косонсой-Текстиль
Достонбек
Саноат кучи
Акбаршоҳ
Қулназар-ҳаққул
Трикотаж тикувчи-С
Олтин-турон
Ойбек-95
Крокус Люкс
Гунча
СК Сервис

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ПОЙАФЗАЛИ БЎЙИЧА:

Андижон кулоли
Андижон пойафзали
Бизнес-люкс
Винклер
Ғиждувон ПП-3
Европа-бизнес
Зиё-нур маркет
Истиқлол АХ
Ишонч
Крокус-Люкс
Коинот ЛТД
Комета АНД
Мадилан
Малика
Матонатли Нодирбек
Наманган торг-сервис
Нексен таъминот
Нурмаскан
Нақшбандий ПП-1
Раъно-Самхунбек
Роел
Саноат интер-нур
Савдо махсус-ишонч
Сатурн плюс Юпитер
Сибно
Сўғдиёна
Танет
Ўзандривожсавдо
Ўзполчарм
Фаровон-Файз
Чармпойафзалтаъминот
Шоҳ Дилшод
Эврика люкс
Эл азиз ишонч
Жангчи фахрийлар бирлашмаси
Евро-алоқа сервис
АДЛ Андижон
Висол нур
Омад-97
Эргаш-Азиз
Кичкинтой
Олтинкўл диамонд
Акром парвози
МАГ
Мадаткор-96
Ал-Махмуд
Протез-ортопедия
Косонсой Ал-Азиз
Азимбек
Мафтуна-кўнгил
Хусниддин ўғли Отабек
Саноат қуёши
Хўжа Умидулло
Муслим-сервис
Пойафзалчи
Тошпласт

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР БОШ КИЙИМИ ВА ҚЎЛҚОПИ БЎЙИЧА:

Абузархон
Аверсон
Крокус люкс
Сибно
Хумо-2000
Бригада МА
Роел
Чармпойафзалтаъминот
Зийнат А
Иго-текс
Қизил-кўприк
Нитрал
Саида-текстиль
Юлдуз ЛТД
Наврўз ПТК

«2004-2005-o'quv yili — Maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili»

«СПОРТ ВА ДЎСТЛИК» — ЎҚИТУВЧИ ЯРАТГАН ФИЛЬМ

Фурқатжон Шерматов Поп туманидаги 35-мактабда меҳнат таълими фанидан дарс беради. Уни хушмуомала, камтарин, ижодкор ўқитувчи, яна моҳир наққош, зардўз, радио, видео ва компьютер техникалари устаси сифатида яхши билардим. Аммо, унинг кинофильм яратиш "ҳунари" ҳам борлигини билмаган эканман. Шу йил апрель ойининг сўнгги кунлари эди. "35-мактабдаги Фурқат муаллим қандайдир кино ишлаганмиш" деган гап қулоғимга чалинди. Тўғри, ҳозирги пайтда жуда кўплаб янги фильмлар яратилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Бироқ оддий қишлоқ ўқитувчиси бунга қандай эришгани мени ажаблантирганди. Сабрим чидамай ўша заҳотиёқ ижодкор ўқитувчини излашга тушдим.

— Наврўз байрами арафасида кинохаваскорлар тўгараги ташкил этиш таклифи билан мактабимиз директори Баҳодир Турдиевга мурожаат қилдим, — дейди Ф.Шерматов. — Мени қўллаб-қувватлашди. Дилимда шу ният пайдо бўлгандан буён кўз остимга олиб юрганларим — мактабимизда турли тадбирларда иштирок этадиган қобилиятли ўқувчиларни йиғиб тўгаракни ташкил қилдик ва уни ҳамқишлоғимиз, таниқли сўз устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, марҳум Рустамжон Ҳамроқулов номи билан "Рустам қизиқ" киноҳаваскорлик тўгараги дея номладик. Сўнгра мактабимизнинг тарих фани ўқитувчиси Умида Бозорбоева билан "Спорт ва муҳаббат" номли сценарий ёздик.

Хуллас, шундан кейин фильмни суратга олиш жараёнлари бошланди. Фильм мактабнинг ён қўшниси — Санг маиший хизмат касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда суратга олинди. Коллеж директори, техника фанлари номзоди Озодбой Имомназаров ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, олий тоифали тарих фани ўқитувчиси Анорбой Каримқулов ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан фильмни мазмунан бойитдилар.

Тақдимот маросими ҳам кўнгилдагидек ўтди.

— Фильмда бугунги кундаги энг долзарб вазифа — ёшлар тарбияси масаласи атрофлича ёритилган. Яъни, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтлари самарали ўтишини таъминлаш, уларни турли хил фан ва спорт тўгаракларига жалб қилиш, болалар спортини ривожлантириш, мактаб ва коллежлардаги қизларимизнинг кийинишларида миллийлик масалалари, компьютер саводхонлигини ошириш, гиёҳвандлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, мактаб ва коллеж ҳамкорлиги, ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари жонли, бадиий тасвирлар орқали ўз ифодасини топган, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Ҳабибулло Убайдуллаев. Фильмда иштирок этган ёш актёрларнинг роль ижро этиш маҳорати унинг таъсирчанлигини янада оширган.

Фильмдаги бош роль — Обиджонни 6-синф ўқувчиси Обиджон Абдуллаев ижро этган. Обиджоннинг амакиси ролида таниқли хонанда, киноактёр, "Ниҳол" мукофотининг совриндори Самандар Ҳамроқулов, Обиджоннинг отаси ролида эса Самандарнинг амакиси, санъаткор Алишер Ҳамроқулов суратга тушган. Шунингдек, НамДУ талабаси Воҳиджон Нишонов – Шеф, тўгарак аъзолари Аҳмаджон Неъматуллаев — Аҳмад, Нуриддин Саидмуродов — Нури, Илҳомжон Йўлдошев-Илҳом, Ўғилой Аҳмадалиева — Гулбашакар, Одина Расулова – Одина, Барно Ҳайдарова – Барно, Нигора Рустамова — Нигора, Рустам Нурматов – Рустам, Раҳмонали Нишонбоев – Раҳмонали, Зулайҳо Ҳайдарова — Зулайҳо, Раҳмонжон Эгамназаров – Раҳмонжон, Ғолибжон Мирзаумаров – Ғолиб, Алижон Йўлчиев – мураббий образларини яратишган. Шуниси эътиборлики, персонажлар, фильм қаҳрамонларининг исмлари айнан роль ижрочиларининг исмлари билан номланган. Бу эса, ёш актёрларнинг ролни қийинчиликсиз, эркин, табиий ижро этишига хизмат қилган. Фильмдаги пардоз, мусаввирлик ишлари, матнларни муаллиф номидан ўқишни тумандаги 32-мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Одина Мирзаева муваффақиятли уддалаган. Мусиқаларни танлашда НамМПИ талабаси Машраббой Солиев яқиндан ёрдам берди. Тасвирга олиш эса, муаллифнинг ўзи томонидан амалга оширилган.

Тақдимот маросимида мазкур кинофильм вилоят мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, киноконцерт саройларида намойиш қилиш учун тавсия этилди. Бу янги истеъдодлар кашф этилишида, қишлоқ болаларининг юксак марраларни забт этишга интилишларида муҳим омил бўлиб қолади.

Шу ўқув йили аввалида кинофильм ижодкорлари Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган мактабдан ташқари таълим самарадорлигини оширишга бағишланган республика семинарида иштирок этишди. Унда Республика ўқувчилар саройи мутасаддилари фильмни янгича ёндашув билан театрлаштириш ва "Умумтаълим мактаблари болалар театрлари республика танлови"да иштирок этиш юзасидан таклиф беришганди.

Дарҳақиқат шундай бўлди. Янги кинофильм "Спорт ва дўстлик" номи билан янги саҳна асарига айлантирилиб, 19-23 ноябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган танловда намойиш этилди. Унда бош қаҳрамон – Обиджон Абдуллаев "Энг яхши роль ижрочиси" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди ва ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилотининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Жамоанинг ушбу танловдаги иштирокида мактаб жамоаси, вилоят "Соғлом авлод" маркази, туман прокуратураси, туман ДСИ, "Сирдарё" ширкат хўжаликларининг муносиб улушлари бор.

Ҳозир тўгаракда Наманган шаҳар ўқувчилар саройи директорининг ўринбосари Рустамжон Йўлдошевнинг "Жаннати аёл" асари асосида фильм яратиляпти.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ФУТБОЛЧИНГИЗНИНГ СЕВИМЛИ ЛАҚАБИНИ БИЛАСИЗМИ?

Футболни ҳақиқий спектаклга ўхшатишлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, миллионлаб мухлисларнинг завқини оширадиган, ҳайрат кўчасига етаклайдиган ўйиннинг спектаклдан нимаси кам? Дунё оммавий ахборот воситаларида ижрочилар, яъни, футболчилар тўғрисида фикр юритилганда, уларнинг исми билан бир қаторда "иккинчи номлари" — лақаблари ҳам бот-бот тилга олинади. Бу ғарб "сариқ матбуоти" учун одатий ҳол.

Футбол мухлислари "Сўйлоқ", "Қизил иблислар", "Яшил бургутлар" каби лақабларнинг кимларга нисбатан ишлатилишини жуда яхши билишади. Бир пайтлар Португалия терма жамоасида тўп сурган Абел Шавиерни "Қорбобо" ("Santa Claus") деб аташларини эшитиб ҳеч ҳам ажабланмадим. Чунки Абелнинг оппоқ соқоллари-ю, "қиров тушган" сочларини кўриб ким ҳам унга бу лақабни раво кўрмайди, дейсиз?

"Манчестер Юнайтед" клубининг норвегиялик ҳужумчиси Оле Гуннар Сулшерни ҳамма танийди. Аммо уни "Кулиб турувчи жаллод" деб номлашларини ҳамма ҳам билавермаса керак. Сулшер жилмайган кўйи рақиб дарвозабонларини доғда қолдиради.

Французлик машҳур дарвозабон Фабиен Бартезнинг "исми" унга тўлиқ мос тушган дейиш мумкин. "Масхарабоз"нинг майдондаги баъзи хурмача қилиқлари жамоаси учун қимматга тушган ҳолатларга кўп гувоҳ бўлганмиз.

Туркиянинг сўнгги 50 йилдаги энг яхши футболчиси, деб тан олинган Хоқон Шукурни "Болқон ҳўкизи" дейишганича бор. Зеро, Хоқон афанди бундай таърифга муносиб эканлигини аллақачон исботлаган.

Аргентиналик Габриел Батистута ўзини жаҳоннинг энг зўр футболчиси деб билади. Бу борада у ўзини Роналдодан ҳам устун қўяди. Бунга сабаб қилиб у мухлисларнинг Роналдони эмас, айнан ўзини "Батигол", деб аташларини кўрсатади.

Кўпчилик футболчилар ўз лақабларига ижобий муносабат билдиришади. Франциялик мозий юлдузи Лоран Блан ўзини "Темир бетон". деб билса, аргентиналик Хавиер Савиола "Қуёнча"-гини тан олади. Яна бир аргентиналик футболчи Ариел Ортегани хунук жаранглайдиган "Хўтикча" деб чақирсангиз, нақ дўпписини осмонга отади. Италиялик дарвозабон Жан Луиджи Буффонга "Супермен" деб мурожаат қилсангиз ҳечам ранжимайди."Супермен" Буффорнинг севимли киноқаҳрамони.

"Ювентус" клубининг франциялик ҳимоячиси Лиллиан Тюрамни "Профессор" дейишади. У илмий иш ёзиб, диссертация ёқлаган эмас. Шунчаки, футбол билан бирга институтдаги таҳсилини ҳам канда қилмаган.

Биз билган ва билмаган ёки эътибор бермаган лақаблар талайгина. Футболчига лақаб қўйиш ғарбда унчалик салбий ҳолат эмас. Бу машҳурлик ва обрў-эътиборнинг бир кўринишидир. Севимли футболчингизнинг лақаби нима? Биласизми?

Отабек ЙЎЛДОШЕВ,
Жанубий Кореянинг Чунг-Анг университети талабаси

ЁШ ТЕННИСЧИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Важа Узоқов Қозоғистонда ўсмирлар ўртасида теннис бўйича ташкил этилган «Павлодар опен-2004» мусобақасида муваффақиятли иштирок этиб, бош совринни қўлга киритди. Мазкур турнирда Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Ўзбекистондан ўн олти теннисчи ўзаро куч синашди.

Якунланаётган йилда Важа Узоқов Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ҳиндистон, Малайзия, Шри-Ланка, Финляндия ва Мисрда ташкил этилган ўндан зиёд турнирда қатнашди. Фарғонада Халқаро теннис федерацияси (ITF) йўналиши бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳам бош совринни соҳиби бўлди.

Фарҳод ТОЛИПОВ

ЧЕМПИОНАТ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Самарқанд шаҳрида ташкил этилган мини-футбол бўйича Ўзбекистон IX чемпионатининг биринчи босқич учинчи тур учрашувлари якунланди.

Чемпионат пешқадами — Зарафшоннинг «Строитель» жамоаси сўнгги баҳсда мезбонлар — «Нафис» футболчилари устидан 3:1 ҳисобида зафар қучди. Зарафшонликларни таъқиб қилаётган «Ардус» жамоаси «Олимпиячи»ни 20:3 ҳисобида енгди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор-М» — «Р.Мадаминов» 11:2, «Букинай» — «Баркамол» 11:7, «Нурфайз» — «Турон-С» 0:5.

Мусобақа жадвалида ўн олти учрашувдан 46 очко жамғарган «Строитель» пешқадамлик қилмоқда. Кейинги поғонани эгаллаб турган «Ардус» футболчиларида уч очко кам. Барча беллашувларни бой берган «Олимпиячи» эса, энг қуйи ўринда.

Б.ҲАМДАМОВ

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Республика ўқув-методика Марказида 2005 йилнинг январь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1.	Мактабгача таълим муассасаси мудиралари	3-29 январь, 26 кунлик
2.	Мактабгача таълим муассасаси услубчилари	3-29 январь, 26 кунлик
3.	Вилоят малака ошириш институтларининг катта ўқитувчилари	3-22 январь, 18 кунлик
4.	Вилоят таълим маркази услубчилари	3-15 январь, 12 кунлик
5.	Мактабгача таълим муассасаси ХТБ услубчилари	3-15 январь, 12 кунлик

Эслатмалар:

1. Тингловчилар Марказнинг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машғулотлар Республикадаги таниқли олимлар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади.

2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.

3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Республика ўқув-методика маркази ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

Ufa davlat universitetining biologiya fakulteti o'qituvchilari oq turnalar uchun qulay shart-sharoit yaratishga qaror qildilar.

ҚОРБОБОНИНГ СОВҒАСИ

Жажжигина Сардор бугун ҳар кунгидан эртароқ уйғонди. Уни кўрган онаси:

— Ҳа ўғлим, мен уйғотмасимдан аввал туриб олибсан, — деди.

— Ойижон, ҳозиргина Қорбобо менга совға берди-ку, қани у? — деб қидира бошлади болакай.

— Вой болажоним-эй, сен туш кўрибсан, лекин, рост. Бугун боғчангда Арча байрами-ку, албатта, Қорбобо сенга совға беради. Фақат шеърингни яхшилаб ёд айтиб берсанг. Мана, кийимларинг тайёр. Ахир, сен Айиқполвонсан-ку!

— Ҳа, ойижон, мен паҳлавон Айиқполвонман. Асал ер эканман.

— Кўп еб қўйма, хўпми, ўғлим, — онаси ҳазиллашди.

Боғчада Арча байрами бошланди. Беғубор болалар кўз тикиб Қорбобо ва Қорқизнинг узоқ ўрмондан келишини сабрсизлик билан кутишарди. Хонага савлатли, узун оппоқ соқолли, қўлида ҳассаси, елкасида қопи билан Қорбобо ва Қорқиз кириб келди.

— Ассалому алайкум, Қорбобо! — дейишди жажжилар бараварига.

— Ваалайкум ассалом, набираларим! Мана мен узоқ ўрмонлардан тоғлар, бўронлардан, шамоллардан ошиб зўрға етиб келдим. Қани, сизлар менга қандай шеър, қўшиқлар айтиб берасизлар?

Ҳамма болалар бараварига «мен-мен» деб олдинга талпинишди.

— Баракалла, билағон болалар экансизлар. Болалар, бу йил қандай мучал кириб келади.

— Хўроз, — дейишди болалар.

— Ҳа, тўғри. Шунинг учун аввал Хўрозвой шеър айтади.

Унга Қорбобо қопидан совға олиб берди.

— Шуни унутмангларки, болажонлар, хўроз эрта туриб қичқиради, чунки у ҳаммани вақтли туришга ундайди. Энди сизлар ҳам вақтли туриб, боғчангизга кечикмай келинглар, хўпми?

Болалар «хўп» деб жавоб беришди. Навбат «Айиқполвон»га етиб келди.

— Қани, Маймоқвой, сен қандай шеър ёдладинг?

Ҳаяжон билан Сардор шеърини айтиб берди.

— Э, яшавор, жуда бурро, адашмай ёдлаб бердинг, — дея, Қорбобо қопидан совға олиб берди. Сардор Қорбобо ўзининг дадаси эканлигини сезмади. Унинг қувончи чексиз эди. Байрам сўнгида улар шўх маймун йили билан хайрлашишди. Қорбобо «маймун»ни олиб кетди.

— Болалар, энди яна 12 йилдан кейин маймун қайтиб келади. Унгача сизлар катта бўлиб, уни мактабда кутиб оласизлар.

Беғубор жажжилар ўртоқлари Жамшидни ростдан Қорбобо олиб кетди деб, ҳатто йиғлашди. Сардор дадаси билан уйга қайтар экан, у байрам таърифини айтиб адо қилолмасди. Отаси ундан мамнун эди.

— Ўғлим, янги йил қандай байрам экан? — деб сўради.

— Дадажон, жуда яхши байрам экан. Энди мен бир ёшга катта бўлдим. Укам билан уришмайман. Совғамдан укам Комронга ҳам бераман, Қорбобога сўз бердим, — деди.

Саломатхон ҲАСАНОВА

Xullas...

СУНЪИЙ «ЯХШИЛИК»

Аравачадаги бола ўғирланди. Эр-хотин эса, бирровгина магазинга киришганди. Автомат ўйинлар жойлашган вестибюлдан бу аравачани ким судраб кетган бўлиши мумкин? Таажжуб! Ота-онанинг бундай лаҳзада қай аҳволга тушишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Соломбал ички ишлар бошқармаси қидирув эълон қилди. Ҳовлилар, кўчалар, кўп қаватли уйлар, ҳаммаёқ синчковлик билан қидирила бошланди. Аравача етаклаб кетаётган бир киши ва унинг ёнидаги йўргакли бола кўтарган ёш қиз милиция ходимларида шубҳа уйғотди. Қизнинг ёнида яна бир аёл. Аравача эгаси сал ширакайф. Уларнинг бола ўғриси эканлигига заррача шубҳа қолмади.

... Автомат ўйинлар вестибюлида чақалоқ йиғлаганини эшитиб, улар гўёки меҳрибонлик қилмоқчи бўлганлари ҳақида ҳикоя қила кетишди. Ҳадеганда боланинг ота-онаси келавермагач, олиб кетишга қарор қилишибди. Жиноятчилардан бири уни укасига элтиб бермоқчи бўлган экан.

Чақалоқ ўз ота-онасига қайтарилди. Бола ўғрилари ўз сунъий «яхшилик»лари учун бериладиган жавобга ҳозирлик кўришмоқда.

ОҚ ТУРНАЛАРНИ ОТМАНГ

Бошқирдистонда оқ турналар браконьерлар туфайли камайиб бормоқда. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш уюшмаси қизил рўйхатига киритилган бу қуш қанотининг чиройлилиги ва кўзларининг жовдираб боқиши билан кишида ўзига нисбатан меҳр-шафқат уйғотади. Айнан қаноти ва кўзларидан жароҳат олаётган оқ турна иссиқ мамлакатларга учиб кетолмаслиги аниқ.

Уфа давлат университетининг биология факультети ўқитувчилари оқ турналар учун қулай шарт-шароит яратишга қарор қилдилар. Қушлар учун озуқа, соғайиб кетишлари учун дори-дармон етарли. Орнитологлар турна тўдасини баҳорда ўз шериклари ёнига учириб юборишни мўлжаллашмоқда.

ana shunaqa gaplar

"КУМУШ ҚИШ" СКАНВОРДИ

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ



Мисрлик ва олмониялик археологлар Мисрда фиръавн Рамзес II қизининг баҳайбат ҳайкалини топдилар. Бу ҳақда журналистларга Мисрнинг маданият вазири Фарук Хусни хабар берган.

Унинг таъкидлашича, пушти тошдан ясалган, баландлиги 9,5 метр ва оғирлиги 80 тонна бўлган бу ҳайкал мамлакатнинг шарқий ҳудудидаги Телль Боста тепаликларидаги қазишмалар вақтида топилган.

Ҳайкалнинг чап оёғи остида Рамзес II қизининг ёшлигини ифодаловчи скульптура жойлашган.

БАҲАЙБАТ ТОПИЛМА

Машҳур жангчи-фиръавн қизларининг бири бўлмиш гўзал Мирит Амон скульптураси пероглифлар билан безалган тагликка ўрнатилган. Мисрнинг қадимий ёдгорликларни ўрганувчи юқори кенгашининг бош котиби Захи Хавасснинг айтишича, бу пероглифларни ўрганиш ва маъносини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳайкал яхши сақланган бўлиб, қайта таъмирлаш ишларидан сўнг тепалик устига ўрнатилади ва Мисрнинг яна бир тарихий обидасига айланади. Қазилмалар вақтида турли материаллардан ясалган кичикроқ ҳайкаллар ва статуэткаларнинг бўлаклари топилган. Бу ҳақда «РИА Новости» агентлиги хабар берди.

Ойбек ШОСАИДОВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-226. Тиражи 17975. 1 2 3 4 5 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ *белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими —136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.